

КЎНГИЛ БУРЖИДАДИР ОЛАМ МЕҲВАРИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Юртимизга келган баҳорнинг чехраси, нигоҳи кечагина муборак ҳаж сафаридан пок-ланиб қайтган ҳожи боболар ва ҳожи оналарнинг юз-кўзларидай нурли, беғубор.

*Сен қувонч келтирдинг, улашдинг ранглар,
Меҳрингни тенг топди кеча ва кундуз.
Туял титроғимни, ашкимни англар
Боғлар байроғида ёнган ҳар юлдуз.*

Баҳор умидлар фасли. Яхши ниятлар билан кўчат экамиз, уруғ қадаимиз. Бугун диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, юртдошларимизнинг янги-янги боғлар барпо этаётганини кўрасиз. Энг муҳими, улар бу ишлари келажакда яхши самаралар беришидан аминдирлар.

Боғлар меҳнат билан ораста, кўнгиллар эртанинг ишончи билан обод бўлади. Бахт шулки, яхшилик ниҳолларини фақат ҳовли ё боғларимиздагина эмас, қалбларимизда ҳам парвариш этаётирмиз. Уларнинг ҳам илдизларини мустаҳкам, меваларини гўзал қилишга интиламиз. Фарзандларимизнинг ҳам бахту камолини шу йўлда кўрамиз. Куръони Каримнинг:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيِّبَةً
كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ

«(Эй инсон), Аллоҳ яхши Сўзга (яъни, имон калимасига) қандай мисол келтирганини кўргин: у сўз худди бир асил дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда» (Иброҳим, 24) мазмунидаги ояти юракларимизда энг ишончли далладир.

*Туйқус бир тўлғониб, толибсан, эй дил,
Уч энди озода чаманлар сари.
Яйрагил, букун сен ғолибсан, эй дил,
Кўнгил буржидадир олам меҳвари.*

Шукрлар бўлсинким, тугъндан, ёмонликдан,

зулмкорликдан йироқ бўлишга буюрилганмиз. Аллоҳ таолонинг:

وَمَثَلُ كَلِمَةٍ خَبِيثَةٍ كَشَجَرَةٍ خَبِيثَةٍ اجْتُثَّتْ مِنْ فَوْقِ
الْأَرْضِ مَا لَهَا مِنْ قَرَارٍ وَيُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ

«Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзнинг) ми-соли эса, ердан илдизи узилиб қолган, бир жойда ўрнашиб кўним топмайдиган нопок дарахтга ўхшар. Золимларни Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур» (Иброҳим, 26-27)

мазмунидаги оятлари бизни ҳамиша огоҳлантириб туради.


Кўзларни қанчалик қувонтирмасин, баҳорнинг шошқалоқлигидан энтикамиз, беихтиёр хўрсинамиз ҳам. Зеро, баҳор ҳам ёшликдай, умрдай тезоқар. Гарчи фасллар алмашиниб, яна келса-

да, оладиганини олади-ю, қайтиб беролмайди. Шунинг учун баҳорий дақиқаларни эзгуликка ошно бир талпиниш, ҳақиқатга ташна бир тараддудда яшамок зарур. Баҳорнинг ҳар бир куни қалбимизда меҳр ва ихлос тонги билан ёришса деймиз. Токи заминнинг юрагига ва юракнинг заминига эккан ниҳолларимиз қақраб-қовжирамасин, илдизлари бақувват, шохлари сермева бўлсин. Токи уларни турфа шамоллар хуружидан асраб қолайлик. Токи биз билан ҳамнафас, ҳамқадам яшаётган инсонлар бу дунёда бор, яхшилик йўлида ҳамкор эканимизни доимо ҳис этиб турсинлар.

*Ёмғир шивалайди, кўчар абрлар,
Оламни чулғайди куй — излаганим.
Халқим, сенга тилай бахтлар, сабрлар,
Омон бўл, нурга тўл, азиз Ватаним...*

Абдул ЖАЛИЛ,

Бош муҳаррир ўринбосари



Мундарижа

Бошсўз Абдул ЖАЛИЛ Кўнгил буржидадир олам меҳвари	1
Бугуннинг гапи Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС Дунё ва охиратда солиҳлардан бўлайлик	4
Ақида Саййид АЪЗАМХОНТЎРА СОТИБОЛДИ ўғли Аллоҳнинг гўзал исмлари	5
Мерос Фозил ЗОҲИД Китоб қисмати	7
Амри маъруф Абдугафур ИСКАНДАР Меърож	8
Насиҳат Қаҳҳоржон ЙЎЛЧИЕВ Ўзимизга боқайлик	9
Мужда Маҳмуд ШАЛАБИЙ Солиҳлар маскани	10
Мовароуннаҳр уламолари Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли Валийлар сардори	11
Қуръон ва фан Лутфулла ТУРСУНОВ Илоҳий қудратга ишора	12
Ҳадис истилоҳлари Ғафур УМРЗОҚ Кўплар билмайдиган бир ҳол	14
Илдизимизни биламизми? Илҳом ШЕРМУҲАММАД Ҳожи Аълабардор	14
Анъаналар Омонуллоҳ МУТАЛ Қадимий ва замонавий Наврўз	15
Мустақилликнинг 10 йиллигига Лаҳзалар, сиймолар, хотиралар	16
Олисларга саяҳат Қувайт давлати	18
Рангин туйғулар Сурайё ЗОҲИР Томири соғлом дарахт	19
Адабиёт Қудрат ДЎСТМУҲАММАД Ғассол йиғлади	22
Зиёрат Масжидул Ақсо	24
Сўранг, жавоб берамиз	25
Иъжоз Садақанинг беш шарти	27
Тарих Ғофуржон СОТИМОВ Бобурийлар давлати бошқарувида дин	29

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларига
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ноҳоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Фикҳ
Уста ОЛИМ

6

ТОАТ ТОҚАТГА ЯРАША БЎЛУР



«Ерга бош
қўйиб сажда
қилолсанг,
сажда қил,
бўлмаса,
бошинг ила
имо этиб
саждани
адо эт».

Ҳадиси шариф

Наҳйи мункар

Муҳаммаджон АЛИҲОЖИ ўғли

9

БИДЪАТ ЗАЛОЛАТДИР

Шариати исломийага би-
рор нарсани қўшиш шари-
атдан бирор нарсани олиб
ташлаш билан тенгдир.



Мусулмон одоби

Муҳаммад СИДДИҚ

13

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Ислом инсоннинг ташқи поклиги учун
таҳорат ва ювинишни (вузу ва ғуслни), ички
дунёси поклиги учун эса гуноҳ ва разил-
ликлардан сақланишни фарз қилиб қўйди.

Ибратли ривоятлар

19

Зухднинг чегараси



Зухд нима: топса, еб, бўлмаса, сабр этишми ёки топса, бошқаларга бериб, бўлмаса, сабр этишми?

Ҳидоят топганлар

20

Аввал:

«АЛЛОҲ КИМ?» деди...



«Терилари куйиб бўлгач, ҳақиқий азобни татиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштириб турамиз»

Адабий таҳлил

Умарали НОРМАТОВ

26

ЭЪТИҚОДДАН
СУВ ИЧГАН

Шеърият

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

28

ҲИКМАЯТ ИЗЛАГАНГА
ҲИКМАЯТДИР ДУНЁ

Васл тугаб фироқ келмасдан олдин,
Танимни гўр тупроқ қилмасдан олдин,
Мен ўзимни сўроқ қиламан ҳар кун
Мункар-Накир сўроқ қилмасдан олдин.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАХРОМ

Фозил қори СОБИР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Эркин МАЛИК

Сирожиддин АҲМАД

Абдуқаюм ҲИКМАТ

Нуриимон АБУЛҲАСАН

Абдулмажид МУСАБЕК

Абдулжалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Мунира МАСЪУДАЛИ қизи

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти – 8. 3732. 24-25-28

Директори Салоҳиддин Нуриддин

Андижон вилояти – 8. 3742. 24-41-72

Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй. Тел: 40-17-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат

матбуот қўмитасида рўйхатга

олинган. Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2001 й. 27 мартда рухсат

берилди. Босмахонага 2001 йил

5 апрелда топширилди. Қоғоз бичими

84x108 1/16. Адади 6500 нусха. 54-сон

буюртма билан «KOH NUR» МЧЖ да

босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,

Муқимий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Pentium-III

компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз
қилинмайди. Мақолалар хат орқали юбо-
рилганда исми шарифлар тўлиқ ёзили-
ши, адрес тўғри кўрсатилиши шарт.



Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари

ДУНЁ ВА ОХИРАТДА СОЛИҲЛАРДАН БЎЛАЙЛИК

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг жорий йили «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилишлари ҳамма қатори дин аҳллари ҳам жуда қувонтирди. Чунки инсон келажаги кўп жиҳатдан оилага, она тарбиясига боғлиқ. Жамики инсоний фазилатлар оилада шаклланади. Оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжихат, юрт обод бўлади.

Аллоҳ таоло ўзининг каломи мажидида марҳамат қилиб, шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا
قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ
نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ёқилгиси одамлар ва тошлардан бўлган дўзахдан сақлангиз!...» (Таҳрим, б).

Бу билан Аллоҳ таоло барчамизни огоҳлантиради. Бундан келиб чиқадики, ҳар ким ўзини ўйлаб, эртанинг ғамини еб, аҳли аёли ва фарзандларини фақат моддий жиҳатдан таъминлабгина қолмасдан, уларнинг дунё ва охиратда аҳли солиҳ, дину диёнатли, баркамол инсонлар сафига қўшилишлари учун ҳаракат қилиши зарур.

Оила жамиятнинг бир бўлагидир. Оилавий муҳитнинг покланиши жамиятнинг гуллаб-яшнашига олиб келади. Аллоҳ

таоло оиланинг муқаддаслиги хусусида Қуръони Каримда:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўзларингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 21), дейди.

Уйланиш, оила қуриш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатларидир. Чунончи, бир ҳадисда айтиладики: «Никоҳ(ли оила қуриш) менинг суннатимдир. Кимки менинг суннатимдан воз кечса, у мендан эмас».

Ота-она фарзанд учун ўрнак, ибрат бўлмоғи лозим. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтмаган. Шу боис ота-она тартиб-интизомли, ахлоқ-одобли ва сабр-қаноатли бўлса, оилада тарбияланаётган фарзандлар ҳам имон-этиқодли, инсофу диёнатли, меҳру муруватли бўлиб етишади. Ота-онасининг хизматини қилади. Она Ватанга садоқат, илм-фанга муҳаббат каби эзгуйгулар, одамийлик, меҳнат-севарлик, ҳалоллик сингари

олий фазилатлар ана шундай оилада шаклланади.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) фарзандлар тарбиясига доир қатор ҳадислари бор: «Ҳеч бир ота-она фарзандига яхши тарбия ва одобдан ортиқ ҳады қилолмайди»; «Аллоҳ ризо бўлишини истасангиз, болаларингизга доимо адолат қилинг»; «Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг тарбиясини, одобини гўзал қилинглар».

Табиийки, бу ўғитларда фарзанд учун масъулият ота-она зиммасида экани уқтирилмоқда.

Ҳар бир инсоннинг дунёга келишига ота-она сабабчи бўлса, уларнинг ҳаётда ўринларини топишларига устозлари сабабчи, дейди халқимиз. Биз фарзандларимизни, аввало, ота-оналарини, устозлари ва ёши улғу кишиларни ҳурматлашга, кичикларни иззат қилишга ўргатишимиз даркор.

Ривоятда айтилишича, бир киши елкасида онасини кўтариб олиб Каъбани тавоф қилдирадир эди. Тавофдан тўхтагач, Расулуллоҳдан (с.а.в.): «Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деб сўради. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Йўқ, бу ишинг онанг қийналган бир лаҳзага ҳам тенг келмайди», дедилар.

Ҳадиси шарифда айтиладики: «Қайси бир мусулмон ота-онасини ҳар кун зиёрат қилиб турса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларидан иккитасини очиб қўяди. Агар улардан бири ҳаёт бўлиб, уни зиёрат қилиб турган бўлса, бир эшик очиб қўйилади. Агар уларнинг бирортасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ундан норози бўлади. Ҳатто, ота-она фарзандига зулм қилган ҳолда ҳам, фарзанд уларнинг розилигини топмоғи зарур».

Хуллас, ота-оналарнинг фарзандларга, фарзандларнинг ота-оналарга муносабатлари катталарга ҳурмат, кичикларга иззат тамойили асосига қурилса, турмушимиз фаровон, жамиятимиз покиза бўлади, иншааллоҳ.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ
 الْمُهَيْمِنُ الْعَزِيزُ الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا
 يُشْرِكُونَ هُوَ اللَّهُ الْخَلِيقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى
 يُسَبِّحُ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

8. **АЛ-МУҲАЙМИН** — бандаларнинг амалларини кўриб кузатиб турувчи Зот.

Бандаларнинг амаллари, ризқлари ва барча ишлари, қонотдаги ҳамма жараёнлар Аллоҳ таолонинг назоратидадир.

Аллоҳнинг «Ал-Муҳаймин» сифати ҳар бир бандага ўзининг аъзоларини доимий равишда назорат қилиб боришни тарғиб қилади: ақли нима дейди, нафси қаёққа бошляпти, кўзи, қулоғи ҳақларини тўғри адо этяптими, оёғи қаерга тортяпти, қўли нима қияпти ва ҳоказо...

9. **АЛ-АЗИЗ** — мутлоқ қудрат соҳиби.

Барча куч-қудрат Аллоҳга хосдир.

Банданинг имони йақиний бўлгани сари унинг иззатдан оладиган насибаси ҳам шунчалик катта бўлаверади.

10. **АЛ-ЖАББОР** — хоҳишига бўйсундирувчи. Ўзганинг хоҳиши унинг хоҳишини буза олмайдиган Зот.

Барча Аллоҳ таолонинг хоҳишига бўйсунишга мажбур.

11. **АЛ-МУТАКАББИР** — мутлоқ улуғ Зот. Кибриёлик, улуғлик Аллоҳга хосдир. Аллоҳнинг ал-Мутакаббир исми бандани душмани бўлмиш шайтони ланинга бўйсунмай, уни ҳақир кўришга ундайди.

12. **АЛ-ХОЛИҚ** — яратувчи Зот.

13. **АЛ-БОРИЪ** — йўқликдан борликка чиқарувчи Зот.

14. **АЛ-МУСАВВИР** — зийнат-чирой бағишловчи Зот.

Осмон, сайёралар, ер, денгизлар, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси — буларнинг бари Аллоҳ таолонинг гўзал исмларига ишора этади, тафаккур қилиб, уларни яратган Зотга сизиниб, интилиб яшамогимиз лозимлигини таъкидлайди.

**Сайид Аъзамхонтўра
СОТИБОЛДИ ТЎРА ўғли**

Уста ОЛИМ

ТОАТ ТОҚАТГА ЯРАША БЎЛУР

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا

Аллоҳ таоло ҳар бир нафсга кучи етадиган нарсанигина буюради.

Бақара сурасининг 286-ояти мазмуни шундай. Шундан «тоат тоқатга яраша» деган қоида келиб чиққандир. Бу қоида имондан сўнг ҳар бир болиғ мусулмон адо этиши лозим бўлган беш вақт намоз мисолида кўрайлик.

Узр бўлганида ё қувват етмаганида намознинг баъзи шарт ва фарзлари соқит бўлади ё иккинчи бир амал билан ўрни тўлдирилади. Масалан, таҳорат қилишга кучи етмаган ё касалига сув тўғри келмайдиган ёки яқин-атрофида умуман сув бўлмаган маконга бориб қолган мусулмон таҳорат ўрнига тайаммум қилади.

Узр бўлганида ё қувват етмаганида намознинг баъзи шарт ва фарзлари соқит бўлади ё иккинчи бир амал билан ўрни тўлдирилади. Масалан, таҳорат қилишга кучи етмаган ё касалига сув тўғри келмайдиган ёки яқин-атрофида умуман сув бўлмаган маконга бориб қолган мусулмон таҳорат ўрнига тайаммум қилади.

Маълумки, қибла, қиём, рукуъ ва сужуд намознинг фарзларидир. Душман ё йиртқич хавфидан қиблага қараши таҳликали бўлса ёхуд касал киши қиблага қаратиб кўядиган бирор кўмакчиси бўлмаганидан намозда қиблага қарай олмаса, имкони бор тарафга юзланиб намозини адо этади.

Туришга қуввати ва имкони бор намозхон фарз намозларни ўтириб ўқиши мумкин эмас. Аммо туришга қуввати етмайдиган ё турганида дарди оғирлашадиган ёхуд боши

айланадиган киши намозини ўзига қулай ҳолда ўтириб адо қилади. Бирор нарсага суяниб бўлса-да, тик тура оладиган киши фарз намозни ўтириб ўқиши дуруст эмас. Қодир бўлгунча фарз намозни туриб ўқиши лозим.

Касаллиги рукуъ ва сажда қилишга имкон бермайдиган



киши тик туришга қодир бўлса-да, намозини ўтириб ўқийди, рукуъ ва сужудни имо билан, ўтирган ҳолда энгашиб адо қилади. Бунда саждага рукуъдан кўра кўпроқ энгашиши керак. Бу ҳолдаги киши ўтиришга ҳам қийналса, тик ҳолда рукуъ ва саждани имо билан бажариб, намозини адо этади.

Тик туришга ҳам, рукуъ ва сажда қилишга ҳам қуввати етмаган киши ўтирган ҳолда имо билан намозини ўқийди. Сажда қилиш учун бирор нарсани баланд қилиб қўймайди. Зеро, бу иш макруҳ бўлади. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Ерга бош қўйиб сажда қилолсанг, сажда қил, бўлмаса, бошинг ила имо этиб саждани адо эт», деб марҳамат қилганлар.

Дард туфайли ўтиришга ҳам ярамайдиган киши чалқанча ётиб, бошини баланд ва оёқларини буккан ҳолда қиблага қилиб, имо билан намозини ўқийди.

Боши билан имо қилишга ҳам кучи етмаган киши намозини кечиктиради. Ундан намоз фарзияти соқит бўлмайди.

Ғамхўри йўқ, кийими ва жойи нопок бемор таяммум қилиб, қодир бўлган томонга юзланиб намозини адо қилади.

Бундай енгилликлар намозхонларга берилган улкан марҳаматдир. Муҳими, бир кунда беш вақт фарз бўлган ва мўминнинг меърожи ҳисобланган намоз тарк бўлмасин, Яратганга муножот этиш тўхтамасин.

Келтирилган фикҳий масалалар «Хидоя», «Али Қорий», «Раддул Мухтор», «Маслакул муттақийн» ва «Ҳадийатус-Саълук» китобларидан олинди.

Эрк-ихтиёримиз мустамла-
качи қўлида бўлган яқин замон-
ларда ёш авлодни имон-эйти-
қодли аждодларимиздан, яша-
ётган кунимизни тарихимиздан
узиб қўйиш учун хилма-хил
ёвузликлар қилинди. Тарихий
хотирани буткул ўчириб ташлаш
мақсадида мусулмон халқимиз-
ни арабий имлодаги китоблар-
дан узоқлаштириш сиёсати юри-
тилди. Шукрим, мустақиллик
туфайли айна масалаларга му-
носабат тубдан ўзгарди.

Яқинда менинг шахсий
кутубхонам Саид Жалолид-
дин Гурланий қаламига
мансуб «Ал-кифойату шар-
ҳи Ҳидойа» номли нодир
бир китоб билан бойиди.
Қалин муқовали бу китоб
ҳазрати Марғиновичнинг
«Ҳидоя» асарига битилган
шарҳ бўлиб, табиийки,
фикҳ илмининг турли ма-
салаларини қамраб олган.

Китобнинг қисмати бу-
тун бошли мусулмон
миллатимизнинг қис-
мати билан айнаидир. У
дахрийлик жоҳилияти
даврида умрини мазор-
да ўтказди. Ўтда ёнмади,
сўвга чўкмади, ер бағрида
замонини кутиб ётди.
Сўнгра худди қамоқдан озод-
ликка чиққан айбсиз маҳбус
каби, Аллоҳнинг иродаси би-
лан яна ёруғ оламни кўрди. Ин-
шааллоҳ, қадр ҳам топажак...

Воқеан, Хоразмнинг маш-
хур уламоларидан бири бўлган
Абдуллажон домла машъум
қатагон даври арафаларида
ҳижратни ихтиёр этиб, бисо-
тидаги бор нарсасини, ҳатто
энг ноёб китобларини ҳам ол-
масдан юртини тарк қилади.
Қорақалпоғистоннинг чекка
бир гўшасида қўним топиб,
ўша ерда жонини, имон-эйти-
қодини асрайди.

Домланинг укаси Исоқжон
акасидан қолган китобларни

КИТОБ ҚИСМАТИ

уйида сақлашдан қўрқди. Замон
нозик: дин душманлари, ста-
линчилик сиёсатининг ёвуз иж-
рочилари қуръоний хатдаги ҳар
қандай қоғозни кўриб, уй эга-



сини ҳибсага олиши
аниқ. Исоқжон бу нодир ки-
тобларнинг оёқости бўлишига,
уларнинг ёқиб юборилишига
ёки сўвга оқизилишига асло дош
беролмайди. Қандай бўлмасин
сақлаб қолиш керак. Охири
уларни тўплаб, зах ўтмас бир
матога ўрайди ва тунда мурда
янглиғ қабристонга элтиб қўма-
ди. Уйига келиб, кечаси билан
мижжа қоқмай чиқади. Тонга

яқин сал кўзи илинганида, ну-
роний бир мўйсафид тушига
киради. У қалин муқовали ки-
тобни қўлтиқлаб олиб кетади.

Замонлар ўтиб, кексайган
Исоқжон ота жамоатчилик иш-
тирокида қабри очтирди. Омо-
натни ворисларига топширди.

— Тушимда мўйсафид олиб
кетган китоб сизга насиб қил-
ди, — деди отахон менга «Ҳи-
доя»нинг шарҳини берар экан.

Мен хурсанд бўлдим. Сўнгра
ўйга толдим. Тасавури-
да мудҳиш замонлар, аян-
чли манзаралар, қалблар-
ни ларзага солган ҳодиса-
лар гавдаланди. «Халқлар
отаси» ва у бошлиқ бол-
шевиклар партияси халқ-
қа ва дунёга қанчалар даҳ-
шат солмасин, ўзлари ки-
тобдан-маърифатдан
кўрқди. Шонли ўтмиши-
миздан, покиза имон-
эйтиқодимиздан дарак
бергучи маънавий ме-

росларимизни йўқ
қилишга киришди.

Аммо тажрибадан
ўтган ҳақиқат шуки,
илм йўлига тўсиқ
қўйиб бўлмас экан.
Яхши китобларга кўч-
ган Ҳақ маърифати ҳеч
қачон йўқолмас, ташна
қалбларга малҳам бўлиб,
яна ҳаётимизга қайтиб
келаверар экан...

Шу маънода, Саид Жа-
лолиддин Гурланийнинг
«Ал кифойату шарҳи Ҳи-
дойа» номли асари илгариги за-
монларда мадрасаларда ўқув
қўлланмаси сифатида ўқитил-
ганидек, бугун ҳам ундан илм
толиблари манфаат кўришлари
мумкин. Фақат олимларимиз
фидокорона меҳнат қилиб, эл
қўлига қайтаётган бу нодир
асарларни теран тадқиқ этиш-
лари лозим бўлади.

Фозил ЗОХИД,
Хоразм

М Е Ъ Р О Ж

«Намоз мўминнинг меърожидир».

Ҳадиси шариф

Намоз мўминнинг Аллоҳга муножотидир, куннинг ҳар бир қисмида Аллоҳ таолога ўтинчу илтижосидир. У қанчалик мукамал ва тўғри бўлса, Парвардигорга бошқа амаллардан берадиган «ҳисобот»и шунчалик енгил ва осон бўлади. Ва аксинча.

Банда амалларини ислоҳ қилиш учун ҳам намозга муҳтожлик сезади.

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى
عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ

(Анкабут, 45) «Албатта, намоз фаҳш ва мункардан тўсур». Парвардигори марҳаматидан озгина умид қилган, таҳдидларидан жиндай ҳайиққан киши, албатта, қалбини, амалини ислоҳ қилишга эҳтиёж сезади; ақал биттагина яхши амал бажарган банда эса, шубҳасиз, яратган Раббига яқинлашганини, гуноҳлари қалб кўзига солган пардалардан бир парда кўтарилганини ҳис этади. Ана шу эҳтиёж ва ҳис-туйғуларни қалбида туйган банда Парвардигорининг розилигини қозониш, эзгу амалларини кўпайтириш ҳаракатига тушади. Бундайин ҳаракатдаги бандага мужда: Аллоҳ таоло «Агар бандам Мен томонга юзланса, Мен унга қараб юраман, агар у Мен томонга юрса, Мен унга қараб югураман» (ҳадиси қудсий), дейди.

Не бахтки, ислоҳ ва ўнгланишнинг ибтидоси, эзгу амалларнинг аввали, Аллоҳ сари юзланишнинг боши намоз бўлса!

Инсон намозда Парвардигорини бутун фикри билан ёд этади. «Аллоҳу акбар» деб такбири таҳрима айтганидан кейин ҳамма нарсани унутади, дунё унинг орқасига ўтади,

у Яратувчисига — йўқдан бор қилган қудратли Зотга бевосита илтижо қилади. Ундан мадал сўрайди ва доимо Буюк меҳрибон ва марҳаматли Зот паноҳида эканини туяди.

Яратганга бевосита илтижо.

Бундан-да ортиқ бахт бормикан! Бу бахт шунчалар лаззатлики, ҳатто подшоҳлар унинг мазасини билиб қолганларида ўша лаззатни тортиб оламан деб мўминнинг қалбига лашкар тортган бўлар эди, дейишади машойихлар. Мўмин ўша лаззат учун бор-йўғини фидо этишга рози. Қолаверса, унга ўрнаиб қолган қалб ҳеч қачон уни тарк этолмайди.

Менга агар десангиз

жон ила жаҳондин кеч,

Кечай ва лек муни

демангизки, ондин кеч.

(Алишер Навоий)

Мўмин намозида Раббига ҳамдлар айтади. Танҳо У Зот оламларнинг Рабби, меҳрибон ва раҳмли, қиёмат кунининг подшоҳи, ҳамдга лойиқ. Бугун унинг ҳам қалби Раббининг нидосига жавоб қилаётир. Одамзот яратилгандан бери қалбларни гуллатиб, ақлларни нурлатиб, кўзларни яшнатиб, сўзлар ва амалларни ҳикмат ва салоҳият билан безатиб келаётган ёғду унинг йўлини ҳам ёритмоқда, алҳамдулиллаҳ, алҳамдулиллаҳ...

Тўғри, Аллоҳнинг зикрига ошuftа дил гоҳида чалғиб ҳам кетади, шайтон хаёлини тортқилай бошлайди. Тил зикрини келтираверади, аъзолар ҳаракатини қилаверади, бироқ дилда бошқа нарсанинг ёди. Лекин мўмин тезда ўзини

ўнглаб олади, қалбини яна Эгасига топширади, банди этади... Уни улуглайди, Унга сиғинади, Ундан мадал сўрайди, тўғри йўлга бошлашини илтижо қилади. Набийларнинг, тўғри йўлдан адашмаганларнинг, ғазабга дучор бўлмаганларнинг йўлига бошлашини илтижо қилади. Қуръондан Аллоҳ муяссар қилганича ўқийди, ҳар бир сўзни қалбдан ҳис этишга ҳаракат қилади...

Аллоҳни улуглайди, эгилади, Уни камчилик ва нуқсонлардан поклигини таъкидлайди ва Унга ҳамд айтади: «Аллоҳ ҳамд айтганларнинг ҳамдини эшитади». Пешонасини саждага тикади.

وَأَقِمْ وُجُوهَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ

(Аъроф, 29) «Ҳар бир сажда чоғида ўзларингизни тикиб қўйингиз».

Мўмин қалби Аллоҳни зикр этишдан чарчамайди, аксинча, қувват олади. Қиёматни эслаб, кўрқиб, йиғлайди, жаннатни умид қилади, доимо хавфу ражода туради. Раббининг ғазабига дучор бўлганлар қандай ҳалокатга учраганлари, Унинг раҳмати тушганлар нечук саодатга эришганлари хаёлини кезади. «Мен сизларнинг раббингизман», деган Фиръавндек бир бадбахт золимга ҳам «юмшоқ сўз сўзланглар» деб расулларига буюрган Зот мўмин бандасига қанчалар меҳрибон эканини ҳис қилади. Шунда қалбига ажиб бир лаззат сизиб киради, кўзига ёш келади.

Кўздин чунон сув тўқил,

имонинг баҳра олсин,

Боғу чаман кўқармас, ёмғир

қуйишамагунча...

(Машраб)

Бу кўзёшлар ёмғирдан кейин, албатта, мўминнинг имон дарахти гуркираб кетади...

Абдуғафур ИСКАНДАР

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим. Неъматини бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим».

Моиди сурасининг учинчи ояти мазмуни шундай. Шариати исломийага бирор нарсани олиб ташлаш билан тенгдир. Шунинг учун ҳам Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладиларки: «Динда янги пайдо бўлган нарсадан четланинглар, ҳар бир янги пайдо қилинган нарса бидъат, ҳар бир бидъат залолатдир».

Бидъатнинг луғавий маъноси «янгилик киритиш» деганидир. Шаръий маъноси «динда бўлмаган нарсани динга қўшиш»дир.

Динга янгилик киритиш ҳаромдир. Чунки дин Аллоҳ таолонинг Расули (с.а.в.) орқали кўрсатган йўриғидир.

Расули Акрам (с.а.в.) шундай дейдилар: «Бизнинг динимизга унда бўлмаган нарсани ким бўлса-да қўшса, қайтарилади» (Имом Муслим).

Диндаги бидъат икки хил бўлади:

1. Эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлар: мутазилалар, равофизлар, жуҳаймийа ва ҳизбут-тахрир тоифаларининг аҳли суннат ва жамоат эътиқодига қўшган фикрлари эътиқодий бидъатлардир.

2. Аллоҳ ва унинг расули кўрсатмаган бир иш ё одатни ибодат сифатида динга киритиш кабилар амалиётдаги бидъатлардир.

БИДЪАТ ЗАЛОЛАТДИР



Пайғамбаримиз (с.а.в.) бидъатлардан огоҳ этиб: «Сизлар Аллоҳнинг йўлига эргашинглар, ўзга йўлларга эргашманглар», деб марҳамат қилдилар (Абдуллоҳ ибн Масъуд ривояти).

Динда бидъатнинг пайдо бўлишининг асосий сабаблари диний аҳкомларни билмасликдир. Китобу суннатни биладиган уламолар камайиб, одамлар ўзига жоҳил кишиларни пешво қилиб олишидадир. Жоҳил кишилардан саволлар сўралади, улар илмсизлик билан фатво берадилар.

Демак, бидъатга қарши курашишнинг йўли илм ва уламолардир. Уламолар деганда илмига амал қилувчиларни тушунмоқ керак. Илмга амал қиладиган уламоларнинг камайиши бидъатнинг ривожланишига олиб келади. Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннатларини ўрганиб, уларга амал қилиб, фарзандларимизни ушбу йўлда тарбия қилсак, иншааллоҳ, бидъат балосидан халос бўламиз.

Муҳаммаджон АЛИҲОЖИ ўғли,
«Куддуси Шариф» жомеъ масжидининг
имом-хатиби

Насихат

ЎЗИМИЗГА БОҚАЙЛИК

Кўпчилик бугунги кунда одамларнинг инжиқ, такаббур, иззатталаб, ҳасадчи, гийбатчи, золим, очкўз бўлиб бораётганидан нолийди. Қаерга борсангиз қўлингизга қарашади, қуруқ, қошиқ оғиз йиртар, қабилида муомала қилишади, дейди. Шундай пайт уларга, тўхтанг, биродар, бир зум ўзингизга боқинг, дегим келади.

Ясама қўриқчи ўз савлати билан қушларни пайкалга йўлатмагани каби биз ҳам турли оҳанг-

даги нолишларимиз билан ўзимиздан бағрикенглик, камтарлик, самимийлик, олижаноблик, меҳр-шафқат туйғуларини ва фариштани кувамиз. Оқибатда ишимиз юришмайди. Ёмон иллат шундай ширин оғуки, қачон, қай маҳал, қай йўсинда оёққа илашганини билмайсиз; қурт дарахтни қуритганидек, у қалбимизни еб битиради.

Бошимизга мусибат тушса, Аллоҳни эсга оламиз. Мушкул пайтларда, «Аллоҳим», «Парвар-

дигорим», «Яратган Эгам» дея таваллолар қиламиз. Мушкулимиз аригач эса, ўзимиз билан ўзимиз овораи сарсон бўлиб қоламиз.

Хўш, шундай экан, нима учун у ундоқ, бу бундоқ дея гийбат йўлига қирамиз. Ўзгаларнинг тинчини бузамиз, биродаримизга азоб берамиз. Бойлик, мансаб, обрў дея ёқа йиртамыз. Ундан кўра савобли ишлар қилайлик. Бу савоблар Ҳисоб кунини бизга асқотди, саодат эшигини очди. Илоҳим, сизу бизга саодатни ёр қилсин. Аллоҳу ақбар!

Қаҳҳоржон ЙЎЛЧИЕВ

Махмуд ШАЛАБИЙ

СОМОНЛАР МАСКАНИ



وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ

عَنِ الْمَوْتَىٰ فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ

“Парвардигори ҳузурда туришдан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган кишининг жойи албатта жаннатдир” (Назиот, 40–41).

Жаннат...

У шундай масканки, унда ҳеч бир қулоқ эшитмаган, ҳеч бир кўз кўрмаган ва ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган неъматлар ҳозирланган. У абадий ҳаёт ўрни. У шундай маъвоки, у ерда:

فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُمْ مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ

“Улар учун беркишиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни, охираг неъматларини) бирон жон билмас” (Сажда, 17).

У Салом — тинчлик диёридир. Унда уруш, алам, ҳасад йўқ. У жойда фақат осойишталик ҳукмрон. Имондилар ҳовлисидир. У жой Ризвон боғларидир. Аллоҳга берган ваъда-аҳдларига вафо қилувчи мухлис бандаларнинг масканидир.

У мақом тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган, кенлиги осмонлару ердай бўлган макондир. Жаннат Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратига ноил бўлганларга, сиротул мустақиймда яшаб ўтганларга совгадир.

У Аллоҳнинг содиқ дўстлари — мўминлар маконидир. Қалблар гиллу ғашдан, ғам-аламдан, хавфдан холи, кирганлар рози бўладиган ва улардан ҳам Раббилари рози бўладиган маъводир.

У жой бу дунёда тавба қилувчилар, ибодат этувчилар, ҳамд айтувчилар, сажда, рукуъ қилувчилар, амри маъруф, наҳйи мункар қилувчилар, Аллоҳ таоло белгилаб қўйган чегараларга риоъ этувчилар учун ҳозирланган омонлик олаmidир.

Унинг эшикларидан фаришталар кириб келадилар-да, мўминларга қараб:

سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ

“Аллоҳ йўлида (меҳнат-машаққатларга) сабртоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жан-

натларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлмай. Бу охираг диёри нақадар яхши!” (Раъд, 24) дейишади.

У маскан қалблари Раббиларини эслаш билан хотиржам бўлганларникидир. У сабр қилган ва Раббиларига таваккул қилганлар учун бир покиза ҳаёт ўрнидир.

У жой Куръон аҳлининг, солиҳларнинг масканидир. У

Раҳмонинг муҳаббатига сазовор бўлганлар учундир. У ерда

وَوَخَشَعَتِ الْأَصْوَاتُ لِلرَّحْمَنِ

فَلَا تَسْمَعُ إِلَّا هَمْسًا

“Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас, фақат пичирлашнинггина эшитурсиз” (Тоҳа, 108).

У намоз аҳли ва ўз аҳлини намозга буюрган ва уларга сабр қилганларникидир.

У ер нур диёридир. Гўзал қасрлар диёридир.

У Аллоҳ ҳузурига салим қалб билан келганлар учундир. Унда ўлим йўқ.

У шундай масканки, таъми ўзгармас сувли ариқлар, ширин оппоқ сутли анҳорлар, лаззатли, мусаффо асалли анҳорлар оқиб турур.

إِنَّ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ الْيَوْمَ فِي شُغْلٍ فَاكِهِونَ

“Жаннат эгалари бу кунда (ўзлари истаган, орзу қилган) иш(лар) билан шод-хуррам бўлгувчидирлар” (Ёсин, 55).

У жаннат жаннатга ишонганларга, имон келтирганларга берилади. Жаннатда

وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ

إِذَا رَأَوْهُمْ حَسِبْنَاهُمْ لَوْلؤا مُّشَوْرًا

“Мангу ёш, ҳеч қаримайдиган болалар хизмат қилиб айланиб турурларки, уларни кўрган вақтингизда, уларнинг гўзалликлари, рангларининг тиниқлиги ва юзларининг нурилигидан, сочиб юборилган марваридларми деб ўйларсиз” (Инсон, 19).

У жаннат имон келтирган ва яхши амаллар қилган бандалар маконидир. Улар учун энг яхши ҳалядир.

Ва у жой... Ва у жой биз ҳали идрок эта олмайдиган, билмайдиган, ақлимиз етмайдиган, фақат Аллоҳ таологина билладиган бир маскандир.

Бобур АБДУЖАББОР

таржимаси

Валилар Европада

Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор 1404 йили Шош вилоятининг Боғистон қишлоғида дунёга келган. У зотнинг насл-насаби X асрда Бағдодда яшаган Муҳаммад Номий Бағдодийга бориб тақалади. Номий ҳазратлари ўша даврнинг машҳур уламоларидан Абу Бакр Қаффоли Шоший билан кўришиш мақсадида Бағдоддан Шошга келади. Сўнг шу ерда тургун бўлиб қолади. Хўжа Аҳрорнинг ота-боболари шу зотнинг авлоди ҳисобланади.

Оналари Хўжа Довуднинг қизи бўлиб, Хўжа Довуд Шайх Хованд Тахурнинг ўғлидурлар. Шайх Хованд Тахурнинг оталари эса шайх Умар Боғистонийдир. Умар Боғистоний Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромларига сазовор бўлган машҳур зотлардан.

Хўжа Убайдуллоҳнинг болаликлари Боғистонда кечган. Илк таҳсилни Шошда олганлар. Бу ҳақда ўзлари шундай ёзганлар: «Ёшлигимда ҳазрати Қаффоли Шошийнинг мазорини зиёрат қилганимда Ҳазрати Исони туш кўрдим. У ҳазрат менга илтифот қилиб, шундай дедилар: «Ғам ема, сенинг тарбиянгни биз ўз зиммамизга олганмиз». Ҳазрати Исо каминани ўз тарбияларига олганликлари туфайли бу фақирда ўлган қалбларни тирилтириш сифати аён бўлди...» (Ботир Валихўжаев, «Хўжа Аҳрор тарихи»).

Тоғалари Иброҳим мадрасаларда илм таҳсилини кўрган киши эди. Шу боис жияни Хўжа Аҳрорнинг таълим-тарбиясига катта аҳамият берди. Уни Самарқандга ўқишга олиб борди. Бу ерда Хўжа Аҳрор ҳазратлари машҳур шайх-ул-Ислом мавлоно Фазлуллоҳ ибн Абдулвоҳид Абулайсий Самарқандий хонақоҳига жойлашиб, ўша даврнинг машҳур алломаларидан таълим-тарбия олди. Абдурахмон Ҷомийнинг устозларидан Саъиддин Кошғарий билан дўстлашди.

Хўжа Аҳрор ўқиш даврида сил касаллигига чалинади. Шундан сўнг ўқишни мустақил давом эттиришга мажбур бўлади. Темурийзодалар орасида ҳурмати баланд бўлган мутасаввиф Саййид Қосим Анвар билан танишиб, ул зотнинг ҳусни таважжуҳларига эришади. Устоз Саййид Қосим Анвар мавлоно Фазлуллоҳ билан қилган суҳбатларида Хўжа Аҳрор ҳазратлари хусусида: «Агар сен саодатга эришмоқни истасанг, бу туркистонлик йигит (Хўжа Убайдуллоҳ) этагини маҳкам тутгин. Чунки у замоннинг ажубаси бўлиб, ундан кўпгина ишлар содир бўлувсидир», дея таърифлаган эдилар.

Султон Абусайд 1451 йили Хўжа Аҳрорни доимий равишда Самарқандда яшашга таклиф этади. Бу даврда Хўжа Аҳрор Самарқанд аҳли орасида катта обрўга эга эди. Оддий фуқаро ҳам, ақобир ҳам шайхни ўзларига пуштипаноҳ деб билар эдилар. Ул зот ҳар доим фуқаропарвар эдилар. Ўзлари айтганларки: «Халойиқнинг Ҳақ субҳонаҳуға эришиш восита-



Тошкентдаги «Хўжа Аҳрор Валий» жомеи куббалари

си уни зикр билан эслаши даражасига боғлиқ бўлса-да, аммо энг яхши йўли бир мусулмон кўнглини хурсанд қилмоқдин иборатдир».

Шу ўринда Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг «фазқурқум азқуруни» каломини эслаб ўтиш жоиз, яъни, «Сен мени эласанг, мен сени эслайман», деган. Имоми Бухорий ривоят қилган ҳадислардан бирида бундай дейилган: «Аллоҳ бандаларга айтади, сен мени ёлғиз эласанг, мен ҳам сени ёлғиз эслайман, агар кўпчилик орасида эласанг, мен сени фаришталар орасида эслайман».

Хўжа Аҳрор яна айтган эканлар: «Агар биз шайхликни бўйнимизга олсак эди, унда биронта шайх мурид топа олмасди. Аммо бизга бошқа масъулият, яъни, мусулмонларни зolimлар зулмидан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Ана шунга амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб туриш, уларнинг ишончини қозониш лозим... Агар машо-йиҳлар вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фуқаро учун вақтимизни аямаймиз».

Хўжа Аҳрорнинг юксак маъража эришишида устозлари Баҳовуддин Умар, Шайх Зайниддин, Яъқуб Чархий каби зотлардан олган таълим-тарбиялари муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Хўжа Аҳрор 1490 йилнинг 21 февралда фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилдилар. У зотдан Хўжа Абдуллоҳ, Хўжа Калон ва Хўжа Муҳаммад Яҳё исми фарзандлар қолганлиги қайд этилади.

Ўзбек адiblаридан Бобур, Увайсий кабилар Ҳазрати Хўжа Аҳрор Валийга ниҳоятда ихлосманд эдилар. Мирзо Бобур «Бобурнома» асарига Ҳазрати Хўжа Аҳрорга бўлган ҳусни таважжуҳ муносабатларини алоҳида меҳр билан ифода этган. Хўжа Аҳрор валийнинг «Рисолаи Волидийя» асарини форсийдан ўзбек тилига ихлос билан ўтирган.

Алишер Навоий ул ҳазратни бундай тавсифлаган эди:

Улки бу офоқ ичра тоқ эрур,

Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.

Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ўғли,
филология фанлари номзоди, дотсент



ИЛОҲИЙ ҚУДРАТГА ИШОРА

Рухиятшунослик фанида шахснинг билиш жараёнларининг беш тури фарқланади. Булар: сезги, идрок, тафаккур, хотира ва хаёл. Сезги аъзолари бўлмиш кўз, қулоқ, бурун, тери сезгиси, тил ҳамда ички аъзолардан бош миёга ҳар сонияда минг-минглаб маълумотлар келиб туради. Инсон улардан энг зарурига диққатини қаратади. Сўнгра идрок этиш жараёни бошланади. Идрок қисман жониворларда ҳам бор. Лекин идрокнинг шундай турлари мавжудки, улар фақат инсонларгагина хос. Масалан, вақтни ва ўз-ўзини идрок этиш. Инсон тафаккур кучига суяниб, фазога учиши ёки атомнинг майда заррачаларини, ҳужайра таркибини ўрганиши мумкин. Лекин у бу кашфиётлари асосини Аллоҳ томонидан яратилган борлиқдан олади. Аллоҳ яратган мавжудотлар ва нарсаларни, улар қандай кўринишда (суyoқ, қаттиқ, газ) бўлишидан қатъи назар, инсон ўшандай ҳолда идрок этади, тафаккури асосида уларга сифатий ўзгаришлар киритиши мумкин, аммо янгидан яратишга қодир эмас.

«У осмондан сизларга ичимлик ҳам бўладиган сувни ёғдирган зотдир. Сизлар (ҳайвонларингизни) боқадиган дов-дарахтлар, (ўт-ўланлар) ҳам ўша сувдан (ичар). У зот сизлар учун ўша (сув) ёрдамида (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта, бунда тафаккур қилувчи қавм учун оят-ибратлар бор» (Наҳл, 11).

Оддий сувнинг бундай мўъжизалигини, унинг хусусиятлари ва табиатда доимо айланиб юришини ҳозирги кунда бошланғич синф ўқувчиси ҳам тафаккур эта биледи. Куръони Карим оятларида инсонлараро муносабатларга нисбатан ҳам тафаккур ибораси қўлланилган.

«У сизлар учун ўзларингдан улар билан хотиржам бўлишларинг учун жуфтлар яратиб, ораларингда дўстлик ва меҳр-муҳаббат пайдо этди. Албатта, бунда тафаккур қилувчи қавм учун оят-ибратлар мавжуд» (Рум, 21).

Бир шахс иккинчи одам учун мўъжиза бўлса, улар ўртасидаги инсоний-руҳий ҳолат, кечинмалар ҳам оддий эмас. Биз қадимги даврда яшамаганмиз, аммо билимларимиз асосида ўша даврларни билвосита тафаккур эта

оламиз. Демак, шундай «вақт», «само ўлчалари» мавжудки, биз уни фақат ақл билан англаймиз.

«У биз сизга унинг оятларини тадаббур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун нозил қилган муборак китобдир» (Сод, 29).

Рухиятшунослик фанида тадаббур бош миёдаги жараён ёки шахс хусусияти эканлиги аниқ таърифланмаган.

«Тадаббур» сўзи «мушоҳада қилмоқ», «фикрламоқ», деган маъноларни англатади. Бу сўз рухиятшуносликда қандай изоҳланади? Тадаббур қандай жараён? У тафаккурнинг олий даражасими ёки алоҳида мустақил жараёнми? Қачон шахс тадаббур қила олади?

«Куръонни тадаббур қилмайдиларми?! Ёки дилларида кулф борми?» (Муҳаммад, 24).

Бу оятдан кўриниб турибдики, Куръони Каримни тадаббур қила олган шахснинг дилидаги кулф очилади. **«Куръонни тадаббур қилмайдиларми ёки уларга аввал ўтган ота-боболарига келмаган нарса келдими?!» (Мўминлар, 68).**

Ушбу оятда Аллоҳнинг аввал туширган муқаддас китобларини ҳам тадаббур қилиш лозимлиги таъкидланмоқда.

Ёш боланинг тафаккур жараёни текширилганида, гарчи бола фикрлаётган бўлса-да, атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни тафаккур қилаётганини ўзи тушуниб етмаётгани маълум бўлади. Шунга қиёсан, эҳтимол, Куръонни дастлаб ўқиётган шахс тадаббур қила бошлаганини тушуниб етмас, тушунгани сари эса, унинг дунёқараши ва борлиқ ҳақидаги фикрлари ўзгаради ва Аллоҳнинг мўъжизаларини англай бошлайди. Аста-секин дил кулфлари очилиб, тадаббур жараёни ҳаракатга келади. Шунинг ўзи Куръоннинг илоҳий қудратига ишорадир.

Демак, тадаббур шахснинг барча билиш жараёнларига таъсирини ўтказиши ва уларни назорат ҳам қила олади. Бундан ташқари, Куръонни тадаббур қила оладиган шахслар табиатида ижобий ўзгаришлар кўрина бошлайди. Бизнингча, тадаббур ва тафаккур ўртасидаги фарқ қуйидаги кўринишга эга. Масалан, араб алифбосида ёзилган бир варақ қоғозни кўрган, аммо уни ўқишни билмаган шахс бунда арабча ёзувда муқаддас Куръон оятлари борлигини тафаккур қилиши мумкин. Аммо ана шу варақдаги битикни ўқиб, унинг қайси оят, қайси сура эканини тушуна оладиган одамгина тадаббур қила олади.

Демак, таъкидлаш жоизки, тадаббур тафаккурдан фарқланиши лозим бўлган юксак ва мураккаб жараёнлир. Уни ҳам назарий, ҳам амалий таҳлил этишга биргина рухиятшунослик фанининг имкониятлари етарли эмас.

Лутфулла ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон Миллий университети
катта ўқитувчиси

Муҳаммад СИДДИК

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Ислому поклик ва озодалик динидир. У тозалликни имоннинг узвий бўлаги деб ҳисоблайди. Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам бундан шундай баён қилганлар:

«Поклик имоннинг бир қисмидир». Инсоннинг поклигини таъминлаш, уни ҳиссий ва маънавий ифлосликлардан ҳалос этиш шариати исломийанинг асосий мақсадларидан биридир. Бинобарин, Ислому дини инсоннинг ташқи кўриниш поклигини таъминлаш учун таҳорат ва ювинишни (вузу ва ғуслни), ички дунёси поклигини таъминлаш учун эса ғуноҳ ва разилликлардан сақланишни фарз қилиб қўйди. Ташқи кўринишнинг — бадан, кийим ва жойнинг поклиги намознинг қабул бўлиш шартини бўлса, ички дунёнинг поклиги эса, жаннат неъматларига эришмоқ шартидир. Биз бу ўринда таҳоратгача (вузугача) бўлган амалларнинг Ислому динида кўрсатилган одоб ва тартиблари хусусида тўхталамиз.

Биринчи сабоқ

Хало одоби

Халога чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ билан чиқмоқ керак. Халода чап ённи қибла тарафига қилиб,

Қабристонга, йўлларга, дарахтлар остига, сувга, ариқлар лабига, ковак ва ёриқларга ҳожат чиқармаслик керак.

Истибро пешоб йўлида қолган қолдиқларидан тозаланишидир. Бунинг учун эркаклар пешоб йўлига кесак тутиб бир неча бор силкиниши, йўталиши ва оёқларини чалкаштиришлари керак. Истибро таҳоратдан олдин бажарилиши лозим бўлган амаллардандир. Чунки пешоб қолдиқлари та-

моқлари билан аввал пешоб чиққан жой, сўнг мақъад (ост) ювилади. Жимжилоқдан олдинги бармоқнинг ёстиқчаси мақъадга қўйилиб сув қуйиш билан аста-аста ишқаланади, сўнг лозим бўлса, жимжилоқ ва ўрта бармоқлар ҳам ювишга ёрдамлашади. Мақъад тоза бўлганига кўнгил таскин топгач, тоза латга билан артилади. Истинжо қилаётган киши, рўздор бўлмаса, ўзини бўш тутиб турмоғи керак.

Кесак билан тозалангандан сўнг истинжо мустаҳабдир. Аммо жунуб бўлган (уйқусида булганган) киши, ҳайз ва нифосдан тозаланган аёл ҳамда мақъадидан зиёда жойи булганган кишига сув билан истинжо фарздир.

Абдулазиз ибн Суҳайб ривоят қиладилар: Анас бундай деган эди: *«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар: «Аллоҳумма инни азүзу бика мин ал-хубси вал-хабуиси (Илоҳи, мен сендан эркак ва ургочи шайтонларнинг ёмонлигидан асрамоғингни сўрайдурман)», дер эдилар».*

Бухорий ривояти

оғиз ва бурунни енг билан берки-тиб, аврат ва ифлос жойларга назар қилмай, чап оёққа оғирликни солиб ўтирилади. Халога Аллоҳ тало ва унинг расулларининг исмлари, оят, ҳадис ва масалалар битилган китоб ёки қоғоз ва шу каби нарсалар билан кириш ярамайди.

Халода яланғоч ё бошьяланг ўтириш, авратни ҳожатдан зиёд яланғочлаш макруҳдир. Балғам ва бурун сувларини ифлосга ташла-маслик керак. Халода ёзиб-чизиш одобсизлик ҳисобланади. Ҳожат чиқарилгач, чап қўл ёрдамида кесак, тош, эски латга ё пахта билан тозаланилади. Ҳар бир инсон шундай қилиши лозим. Аммо унда суяк, қиррали тош, янги мато ва пахта, тезак, пишиқ ғишт, сопол, тахта ва ўт-ўлан ишлатилмайди.

ҳоратдан сўнг чиқса, таҳоратни синдиради, умуман эса, кийимни булгайди. Расули Акрам айтганларидек, сийдикдан сақланмаслик қабр азобига сабаб бўлади. Пешоб қолмаганига кўнгил тўлгач, истинжога ўтилади.

Истинжо сув билан тозаланишидир. Истинжодан олдин тасмия (бисмиллоҳ) айтилиб, қўллар бўғинлари билан қўшилиб уч бор ювилади.

Истинжода ҳам халода ўтирилган тартибда ўтирилади. Ўнг қўл билан обдастан оҳиста жилди-ратиб сув қуйилиб, чап қўл бар-

Абдуллоҳ ибн Абу Қатодадан: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз идишдан сув ичсангиз, ичига пуфламангиз. Агар ҳожатхонага кирсангиз, олатингизни ўнг қўл билан ушламангиз ва ўнг қўл билан артмангиз!» дедилар.

Бухорий ривояти

Ахлатнинг устига истинжо дуруст эмас, алоҳида ажратилган жойга мумкин. Аммо холи жой бўлмаса, истинжо қилинмайди, зеро, авратни ёпиш истинжодан кўра зарурдир.

КЎПЛАР БИЛМАЙДИГАН БИР ҲОЛ

Аллоҳ таоло Ислом динини бизларга мукамал қилиб берди ва уни сақлашни Ўз зиммасига олди. “Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар” (Юсуф, 21).

Таассуфки, ганимлар комил динимизга турли бидъат ва хурофотлар киритиш, тўқима-мавзуъ ҳадислар билан уларни кучайтириш орқали динимиз софлигини бузишга ҳаракат қилди ва қилаётир. Бугун биз ҳам динимизни соф сақлаш учун жаҳд этмоғимиз, салафлар очган булоқдан сув ичмоғимиз, қолдирган илмларини ўрганмоғимиз зарурдир. Бинобарин, мавзуъ ҳадислар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлишимиз лозим.

Ҳадис истилоҳида Расулуллоҳга (с.а.в.) мансуб қилинган, аммо у зот айтмаган ҳадислар мавзуъ дейилади. Яъни, мавзуъ ҳадислар бошқалар томонидан тўқиб чиқарилгандир.

Мавзуъ ҳадисни нақл этиш уламолар ижмосига кўра ҳаромдир. Чунки Имом Муслимнинг ривоятида Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ким ёлғон деб гумон қилинган ҳадисни менинг номимдан сўйласа, ёлғончиларнинг биттасидир”, деб огоҳлантирганлар. Фақат, унинг мавзуъ — тўқималигини баён қилиш учунгина нақл этса бўлади, дейилади.

Ҳадис тўқувчилар қуйидаги мақсадларда бу ишга қўл урганлар:

- а) Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун;
- б) фирқалари ғолиб бўлиш учун.

Хавориж, шиа каби сиёсий фирқалар ўзлари-

нинг мазҳабларини қувватлантириш мақсадида кўп ҳадисларни тўқиб ташлашган;

в) Исломга таъна қилиш, мусулмонларнинг ақидасини бузиш учун.

Очиқчасига курашишга қурблари етмаган зиндиклар ана шундай йўлга ўтдилар. Муҳаммад ибн Саъид Шомий шу тоифадан. У, Анасдан деб, “Мен Хотамун-набийман, мендан кейин набий йўқ, илло Аллоҳ хоҳласа, (бўлади)”, каби ҳадисларни тўқиган. Шунингдек, Абдулкарим ибн Абул Авжоъ қатл олдидан ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб тўрт минг ҳадис тўқиганини тан олган;

г) қадимда ҳукмдорларга хушомад учун. Айрим имони заифлар баъзи ҳукмдорларга ёқиш учун уларга хуш келадиган ҳадисларни тўқиб чикаришган;

д) мол ва ризқ талабида;

е) шухрат қозониш учун.

Ислом дини яна шундай бир тоифани кўрдики, улар тарғиб қилиш ва қайтариш учун ҳадис тўқишни жоиз деб билдилар. Улар бидъатчи карромия фирқасидир. Даъволарига ўзларича далил ҳам топдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ким мен ҳақимда атайлаб ёлғон тўқиса...” деган ҳадисларига “одамларни адаштириш учун” деган жумлани қўшдилар. Шундан келиб чиқиб, баъзилари, биз диннинг фойдасига ёлғон айтамыз, дейишарди. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган шариат каззобларнинг ёлғонига ҳеч қачон муҳтож эмас.

Гафур УМРЗОҚ

Илдизимизни биламизми?

ҲОЖИ АЪЛАМБАРДОР

Аббосийлар сулоласи мил. 750 йилдан 1258 йилгача араб халифалигида ҳукмронлик қилади. Бу сулолага Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) амакилари авлодларидан бўлган Абдул Аббос ас-Саффо (ҳукмдорлик даври 749–754 йиллар) асос солган эди. Ал-Мансур (754–775 йиллар) даврида аббосийлар халифалиги мустақамланди. Шарқ ва ғарб мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларининг кучайиши маданиятнинг юксалишига олиб келди. Халифа ал-Мансур одамлари Африқо, Оврупа ҳамда Марказий Осиё халқларини Исломга киришга даъват қилганлар. Ислом лашкарлари тахминан ҳижрий йилнинг 135–145 йиллари Чоч (Шош) шаҳрининг Самарқанд дарвозаси ташқарисига келиб жойлашган. Ва шу жойга лашкарнинг байроқ кўтарувчиси — асл исми Абдул Азиз бўлган Ҳожи Аъламбардор* Ислом туғини қадаган. Бу жой ҳозирги Ҳожи Аъламбардор қабристонининг ўртаси бўлиб, бу ерда кейинроқ бир сағана қурилади.

*Аъламбардор — байроқ кўтарувчи



Ривоят қилишларича, Ислом динини тарғиб қилувчилар бу ердаги халқни комил бўлган деб ҳисоблаганлар. Эҳтимол, бу сўз кейинчалик «комолон»га айланиб кетган бўлиши мумкин. Ҳозирги Комолон маҳалласи ҳудудида яшовчиларнинг авлодлари Шош шаҳрида биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилганлар дейиш мумкин.

Ҳожи Аъламбардорнинг ўзи ҳақида аниқ тарихий маълумотлар йўқ. У зот тахминан милодий 725–735 йилларда туғилган бўлиб, VIII аср охирилари IX аср бошларида вафот этган. Умрининг сўнгги йилларини ҳозирги Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида ўтказди. Вафотидан кейин шу қишлоқдаги қабристонга дафн этилади. Кейинроқ бу қабристонга Аҳмад Яссавийнинг ота-оналари ҳам қўйилган.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

тайёрлади

«Наврўзи доҳоқинким, қадимул айёмда деҳқонлар ўз ройлари билан Хутнинг аввалги кунин Наврўз атаб, деҳқонатнинг баъзи ҳисобин онинг бирла мазбут қилур эрдилар. Ва Хоразм улуси орасида ҳам ҳамул Наврўз шойиға машхурдурур эрди. Ҳамул бежо расмин бахрам уриб, Наврўзи султонийки Ҳамалнинг аввалги кунига муқарраб эрди, халққа мунодий билан эълон қилиб, Хоразм аҳли орасида ҳамул Наврўзни шойиғ ва машхур қилди. Ҳамул йил ул Ҳазрат Аловуддин Хожа алайҳир-роҳманинг жавори файзосорида, Муҳаммад Амин иноқ ва Аваз иноқ мақбаралари устида бир мақбарайи олий ва сангин бино қилдирдиким, файзу сафо кони, фазлу илм аҳлининг маконидурур ва Мадрасаи Аморотга мавсумдурур ва ул иморат таъмирининг хизмати Муҳаммад Юсуф меҳтарнинг ройи ҳумоюнига муфавваз эрди» (Огаҳий. «Риёз-уд-давла», 84-бет).



Омонуллоҳ МУТАЛ

ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ НАВРЎЗ

Огаҳий «Риёз-уд-давла» асарида Хива хони Оллоқулихон даврида (1825–1842) нишонланган байрамлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериб ўтади. Жумладан, Наврўз, Курбон ва Рамазон ҳайитлари хонликнинг расмий байрамлари ҳисобланган. «Деҳқонлар Наврўзи ки қадим-ул айёмда деҳқонлар ўзларича Хутнинг аввалги кунин Наврўз атаб, деҳқончиликнинг баъзи ҳисобин унинг бирла бошлар эдилар. Ва Хоразм улуси орасида ҳам Наврўз тарқаб машхур бўлган эди. Наврўзи султонийки, Ҳамалнинг аввалги кунига яқин эрди, шул сабабдан Хон халққа ушбу байрамни расман эълон қилиб, Хоразм аҳли орасида Наврўзни машхур қилди» (Ўша асар, 84-бет). Ва шу сатрнинг давоми «Ҳазрат Аловуддин Хожа алайҳир-роҳманинг зиёратгоҳида, Муҳаммад Амин иноқ ва Аваз иноқ мақбаралари устида бир мақбарайи олий ва тошдан бино қилдирдиким, фай-

зу сафо кони, фазлу илм аҳлининг маконидурур ва Мадрасаи Аморот номи билан машхурдир. Ул иморат таъмирининг хизмати Муҳаммад Юсуф меҳтарга ишониб топширилди».

Демак, хайрли ишларнинг бошланиши ҳам Наврўзи оламга – янги йил келиб, табиат гуллаб, халқнинг баҳри дили очилган паллага мувофиқлаштириб олиб борилган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, худди шу пайтда икки ҳафталик умумхалқ ҳашарлари уюштирилган. Янги канал ва ариқлар қавланган, эскилари тозаланиб, таъмир ишлари амалга оширилган. Ва бу ишларнинг бошида шахсан хоннинг ўзи турган.

Рамазон ҳайити нишонланганини эса, қуйидагича тасвирлайди: «...Пайшанба куни Рамазон ҳайити нишонланди. Оллоқулихон Ҳазрати аъло ҳоқоннинг ийд намози адоси учун ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд хонақоҳига келиб,

рўза аҳлининг кўнгилларини ниҳоятда шод этди. Оламга машхур амирлар, юқори мартабали улуглару давлат арбоблари шу ерда ҳозир бўлдилар.

Ул ҳазрат масжидда ўтириб Куръон тиловатини таъсирланиб тинглади ва шундан сўнг намозга шуруъ қилди.

Намоз адосидан сўнг барча уламоий изъом ва машойихи киром бошлиғ намозгоҳ аҳли ул ҳазрат умрининг давоматли ва давлатининг барқарор бўлишлиги учун холис ният билан ихлос қўлин кўтариб дуолар қилдилар.

Сўнг Оллоқулихон «Ким авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилса, уларнинг ўзларини зиёрат қилибди», деган нақл далолати билан ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёратига мушарраф бўлди. Хатми калом ва ейилган таом савобидан ул ҳазратнинг руҳи покларига бахшида қилиб фотиҳалар қилди ва шундан сўнг арк томон юрди».



Муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон



Мажалланинг навбатдаги сони нашрдан чиқди



Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон меҳмонлар билан



Нодирхон домла (ўртала), Салоҳиддин Муҳиддин (чапда)

ЛАҲЗАЛАР СИЙМ

Ҳар бир даврнинг ўзига хос фазилатлари бўлади. Биз оғир дейдиган замонларнинг ҳам ибратли қирралари борлиги табиийдир. Зеро, вақт — оний лаҳзаларими ёки асрларими — Аллоҳнинг изни-иродаси ила кечади, мазмун касб этади. Гап одамларнинг яратилишдан мурод не эканини англашида, шунга кўра яшашидадир.

Мана, Ўзбекистонимизга мустақиллик неъматини ато этилганига ҳам ўн йил тўлмоқда. Айтиш лозимки, шу ўн йил ичида республикаимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу йиллар мамлакатимизда исло-

ОЛАР ОТИРАЛАР

мият равнақи учун асрларга татиғулик давр бўлди десак адашмаймиз. Биргина ҳаж амалларини ўташликни олайлик. Шу ўн йил ичида салкам 40 минг нафар юртдошимиз Муборак Ҳаж зиёратида бўлиб қайтишди. Бу борада республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва қулайликлар жуда ибратлидир.

Ушбу қўшсаҳифада эълон қилаётганимиз фотосуратларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарихининг турли йилларига оид баъзи лавҳалар муҳрланган. Уларда динимиз учун фидойилик кўрсатган қатор уламоларнинг сиймолари ҳам акс этган. Бу фотолавҳаларни чоп этарканмиз, аввало, мустақиллигимизнинг шонли тўйига тухфа тайёрлаш, қолаверса, азиз устозларни бир-бир хотирлаш, уларнинг руҳларини шод этиш каби хайрли ниятларни кўзладик.



Индонезиялик меҳмонлар зиёратда



«Субҳана роббийал аъла...»



Ҳайит намози олдида маъвиза



ҚУВАЙТ ДАВЛАТИ

Расмий номи: Кувайт давлати.

Қисқача номи: Кувайт.

Пойтахти: Кувайт. Шаҳар номини мамлакат номидан фарқлаш учун «Кувайт шаҳри» деб юритилади.

Мустақилликка эришган кун – 1961 йил 19 июн.

Жуғрофияси: Майдони 17.818 квадрат километр.

Арабистон ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган. Шимолда Ироқ, жанубда Саудия Арабистони билан чегарадош.

Худудининг деярли барча қисми пасттекислик – саҳролардан иборат.

Мамлакатда иссиқ қуруқ саҳро иқлими ҳукм суради. Июн ва июл ойларида кучли қум бўронлари кузатилади. Ёмғир жуда кам ёғади, бу ҳам фақат баҳор ойлари рўй беради.



1990 йил ёзида мамлакат аҳолиси 2. 155 000 кишини ташкил этган. Форс кўрфазида бўлиб ўтган урушга қадар мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизи чет элликлардан иборат эди.

Чет элликларнинг миқдори мамлакатда Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг кескин равишда ўса борди. Меҳнат бозори чет элликлар ҳисобига бойиб боришининг қатор сабаблари бор. Кувайт конституциясининг 2-моддасида давлат дини Ислом, Ислом шариати қонунлар мажмуининг асосий манбаи эканлиги баён қилинади. 35-молда тасдиқлашига кўра эса, Кувайтда эътиқод эркинлиги кафолатлангандир.

Вақф ва Ислом ишлари вазирлиги мусулмон фуқароларнинг диний эҳтиёжларини ҳимоя қилади, ижтимоий ҳаётдаги маънавий-диний қарашлар

учун масъулиятни зиммасига олган. Вазирликнинг фаолияти фақатгина имом-хатибларни хизмат шароитлари билан таъминлаш, назорат қилиш ва масжидларни таъмирлаш билангина чекланиб қолган эмас.

Кувайтдаги энг улкан масжидлардан бири Янги Давлат Масжиди биноси шарқона меъморликнинг бетакрор намунасидир. Унинг майдони 45 минг кв. метрни ташкил этади.

Кувайтда ўғил ва қиз болалар учун диний институт, Муқаддас Куръон уйи, Муқаддас Куръон илмий марказлари, Кувайт университетининг Ислом факултети ва бошқа исломий таълим муассасалари ишлаб турибди.



АЛЛОҲ АМРИДАН ҚЎРҚИБ

Нега йиғлаяпсан?

Қайс ибн Абу Ҳозим ҳикоя қилади:

“Бир куни Абдуллоҳ ибн Равоҳа бошини аёлининг тиззасига қўйиб ётаркан, йиғлади. Унинг йиғлаганини кўрган аёли ҳам ўзини тутиб туролмади. Абдуллоҳ ундан:

— Сен нега йиғлаяпсан? — деб сўради.

— Йиғлаётганингизни кўриб мен ҳам йиғладим, — деб жавоб қилди хотини. Шунда Абдуллоҳ:

— Аллоҳ таолонинг: **“Сизлардан ҳар бирингиз унга (дўзахга) тушгувчидирсиз”** (Марям сураси, 71) мазмунидаги буюк амри эсимга тушиб қолди. Билмадим, мен дўзахга тушгандан кейин ундан қутуламанми, йўқми? — деди.



Зухд чегараси

Абу Язид Бастомий дейди:

“Мени ҳеч ким балхлик йигитдек мағлуб қилган эмас. У ҳаж қилиб қайтаётганимизда биз билан учрашиб қолди ва:

— Сизларда зухдни қандай тушунишадилар? — деб сўради.

— Топсак еб, бўлмаса, сабр этишни зухд деймиз.

— Балхнинг кучуклари шундай қилади; — деди у.

— Хўш, унда зухднинг чегараси нима? — деб сўрадик ундан.

— Бўлмаса сабр, топсак, ўзгаларга тортиқ этиш...

Умидини узади

Зайд ибн Савҳоннинг озод этилган қули Солим ҳикоя қилади:

“Хўжайиним Зайд ибн Савҳон билан бирга бозорда эдик. Салмони Форсий (р.а.) ёнимиздан ўтди. Анча-мунча озиқ-овқат кўтариб олибди. Хўжайиним унга:

— Сен Расулulloҳнинг (с.а.в.) саҳобасисан. Бунчалар заҳира тўплашга эҳтиёж сезмаслигинг керак-ку, — деди.

— Янглишяпсан. Киши ризқини таъминлаб қўйса, ҳам хотиржам, ҳам ибодат учун вақти кўп бўлади, шайтон ҳам ундан умидини узади, — деб жавоб берди Салмон”.

“Саҳобалар ҳаёти”дан олинди.

Рангин туйғулар

ТОМИРИ СОҒЛОМ ДАРАХТ

«Ҳақиқатлар» туркумидан

Бекатдаги ўриндик дейди:

Менда битта кексароқ киши ва уч нафар навқирон йигит ўтирарди. Йигитлар олис қишлоқлардан шаҳарга маърифат излаб келишган. Сал нарироқда бир аёл бир соатдан бери тик турибди. Қўлида чақалоғи. Эски буйрак хасталиги хуржидан инграниб қўйишини ҳеч ким эшитмаётган эди.

Бозорда юрган икки дугонанинг бири дейди:

Бозордаги ҳамма нарсалар сеники бўлиб қолса-я!

Ўртоғим дейди:

Отамга айтардим: «Сиз ме-

нинг қонимни бузгансиз. Ичгансиз, чеккансиз... Шу туфайли қалбимда илоҳий хотиржамлик топмайман».

«Кашфул маҳжуб»нинг муаллифи дейди:

«Ҳабба» аталмиш уруғ ерга тушар. Сирти тупроқ билан бекилар. Устига ёмғир ёғар. Қуёш нури ва иссиғи тушар. Вақт етгач, у уч бериб, қўқарар. Гуллаб, мева берар. Қалбдан жой олган хубб ҳам худди шундай-дир...» (хубб — «муҳаббат» сўзининг ўзаги).

Йўл дейди:

Тумонат одам тобут кўтариб

устимни тўлдириб юришарди. Улар манкуртона уввос солишар ва: «Қани онаминг жонини олган, менга келсин!» дея бақаришар эди. Гўё ҳар бири қўлига найза олиб, Рабби билан курашга чиққандай эди.

Амакимнинг ўғли дейди:

Ёзда пиёз ўғирлайман, бугдой ўғирлайман. Сотиб «ҳалол» пул топаман. Пулни отамга бераман: «Мени уйлантиринг», дейман. Отам бир кун вино, бир кун ароқ олиб келади.

Имом Газзолий дейди:

«Муҳаббат томири соғлом, новдалари кўқларга бўй чўзган, мевалари эса кўнгилларда, тил ва аъзоларда зухур этадиган тоза бир дарахтдир».

Сурайё ЗОХИР

Аввал: «АЛЛОҲ КИМ?» деди, сўнгра: «ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ...»



Таиландлик олим «Шайнж май» институти тиббиёт куллиётининг мудир, профессор Тажатат Тажасун билан илк бора бундан уч йил бурун мулоқотда бўлганмиз. Ўшанда у «Қуръоннинг мўъжизалари» илмий-амалий анжуманида иштирок этиш учун Саудияга келган эди. Биз у илмнинг қайси соҳасида ишлашига ва анжуманда қандай мавзу бўйича қатнашаётганига қизиқдик. Профессор Тажатат Тажасун бир неча йиллардан бери инсон териси ва сезги аъзоларига оид илмий тадқиқотлар олиб бораётгани ҳақида сўзлаб берди. У тадқиқ этаётган масала Қуръон ва ҳадисда аллақачон баён қилиб қўйилганини айтганимизда, дастлаб унча эътибор бермади.

— Бу ҳақда бизнинг муқаддас Будда китобларимизда ҳам ёзилган бўлса керак, — деди.

Профессор билан иккинчи бора аввалги йили Жидда шаҳрида учрашдик. Тажатат Тажасун «Малик Абдулазиз» номидаги тиббиёт институтига хорижий олимлар ҳайъати аъзоси сифатида келиб, талабаларнинг битирув имтиҳонига қатнаша-

ётган эди. Фурсатдан фойдаланиб, бу машҳур теришунос олимга ўтган галги суҳбатни эслатдик ва:

— Профессор жаноблари, сизларнинг Будда китобларингизда инсон териси ҳақида хабарлар бор эканми? — деб сўрадик. Олим хижолат чекиб:

— Йўқ экан. Афсуски, муқаддас Будда китобларимизда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот топа олмадим, — деди.

Шунда биз олимга Канада университетининг одам анатомияси бўйича фан доктори, профессор Кейс Моорнинг «Фанда инсон тўқималарига оид кашфиётларга Қуръон ва суннатда баён қилинган ишораларнинг боғлиқлик даражаси» деган рисоласини тақдим этдик.

— Кейс Моорни танийсизми? — деб сўрадик ундан.

— Ҳа, албатта, — деб жавоб қилди профессор. — У киши инсон сезги аъзолари бўйича буюк кашфиётлар қилган олим. Шу соҳага оид илмий-қомусий китоби ҳам бор.



Суҳбат асноида Тажатат Тажасунга яна бир неча саволлар бердик:

— Куйган тери оғриқни сезиш қобилиятини йўқотади?

— Ҳа. Бу борада мен илмий-амалий тажрибалар олиб бордим. Инсон териси қаттиқ куйса, ўша жойи ҳеч қандай оғриқни сезмай қолади.

— Ҳа, балли. 1400 йил илгари пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган Қуръони Карим оятларида, сиз тасдиқлаганингиздек, куйган тери сезиш қобилиятини йўқотиши айтилган:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا سَوْفَ نُصَلِّبُهُمْ
نَارًا كَمَا نَصَبْتُمْ جُلُودَهُمْ بَدَلًا لِّئَهُمْ
جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ

Маъноси: «**Бизнинг оятларимизни инкор қилган кимсаларни албатта дўзахга киритамиз. Терилари куйиб бўлгач, ҳақиқий азобни татиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштириб турамиз**» (Нисо, 5-6).

Бу ояти каримани эшитгач, Тажатат Тажасун ҳайратини яшира олмай қолди.

— Наҳотки шунча асрлар олдин Қуръон бу ҳақда хабар берган бўлса?! Агар Пайғамбарингиз бу маълумотни бошқа манбадан олган десак, у даврларда бу илм ҳақида инсонларда умуман тушунча йўқ эди. Бу маълумотларни у қаердан олган ва қандай билган? Ажабо, ҳеч қаерда ўқимаган бир инсон биз неча йиллар оғир меҳнат қилиб фан кашф этган бу янгиликни шунча йиллар бу-

рун айтган бўлса! Бу маълумотни кимдан олган?

— Аллоҳдан.

— Аллоҳ? Ким у?

Биз олимга Аллоҳнинг буюк зот эканини, барча оламларни у яратганини, чексиз қудрат эгаси ва улуг илоҳ эканини тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Олимда қизиқиш пайдо бўлди. Сўнгра илиқ туйғулар билан юртига қайтди.

Ўтган йили жаҳон тиб олимларининг «Тиббиёт янгиликлари ва Қуръон мўъжизаси» мавзuidaги VIII илмий-амалий анжуманда таиландлик олим яна иштирок этди. У анжуман якунида сўзга чиқиб, бу йиғиндан ғоят таъсирланганини, олимларнинг маърузаларию ўзи олиб бораётган илмий ишлар қийматини эътироф этди. Сўнг нутқини шундай якунлади:

— Бу илмий анжумандаги баҳсларнинг ва тиббиётдаги кашфиётларнинг барча-барчаси Қуръони Карим ва суннатга боғлиқ экан. Мен ҳам Аллоҳ таолонинг қудратига тан бериб, ушбу минбардан туриб: «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-расулаллоҳ», деб Ислом динини қабул қилдим. Илоҳий мўъжиза бўлган Қуръони Каримнинг тибга оид янгиликларини кашф қилишга бел боғладим. Ва яна ишонч билан шуни айтаманки, мен кеч бўлса ҳам, имон-эътиқодли инсон бўлдим...

Нақадар ажиб ҳодиса: бир йил бурун «Аллоҳ ким?» деб сўраган инсон бугун «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деб турибди!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло илм орқали имонга сазовор бўлган бандалари ҳақида шундай деб марҳамат қилади:

وَيُرِي الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ الَّذِي أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ
هُوَ الْحَقُّ وَيَهْدِي إِلَى صِرَاطٍ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ

Маъноси: «(Эй Муҳаммад), илм ато этилган зотлар сизга Раббингиз томонидан нозил қилинган (Қуръоннинг) ҳақ (Китоб) эканини ва у қудратли, ҳамду саного лойиқ зотнинг йўлига ҳидоят қилишини билурлар (Сабаъ, б).

«Қуръон мўъжизаси»

журнали 2000 йил 2-сонидан

Илҳомжон ЭШОНЖОНОВ

таржимаси

Тарих аниқ қилиб кўрсатди



Уйдирмалардан бири экан

Ҳар не бўлганда ҳам тарих шуни аниқ қилиб кўрсатдики, «жоҳил муслмонларнинг дунё бўйлаб тарқалиб кетиб қилич зўри билан халқларни бўйсундиргани» тўғрисидаги афсона та-

рихчиларимизнинг бот-бот такрорлаётган энг жирканч тўқималаридан бири экан.

De Lacy O'Leary,
«Islam of the
Crossroads», London,
1923, p. 8

Энг керакли эҳтиёж

Муслмонларда ирқий табақаланишнинг йўқлиги Исломнинг энг буюк ютуқларидан биридир ва ҳозирги дунёда ушбу исломий фазилатни ёйиш

энг керакли эҳтиёждир (заруриятдир).

A. J. Toynbee,
«Civilization on Trial»,
New York, 1948, p. 205

Ҳокимлик воситаларисиз ҳокимият

У бир вақтнинг ўзида ҳам Цезар, ҳам Папа эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўқ эди, Цезар бўлиб унда Цезар легионлари йўқ эди. Мунтазам қўшинсиз, тан қўриқчиларисиз, саройсиз, давлат даромадисиз (солиқларсиз) агар бирон бир шахс мен Унинг изну ихтиёри би-

лан бошқардим, дея олса, унда у Муҳаммаддир (с.а.в.). Чунки унинг қўлида ҳеч қандай ҳокимият воситаларисиз ва асосларисиз ҳокимият бор эди.

Bosworth Smith,
«Mohammad and
Mohammadanism»,
London, 1874, p. 92

Инглизча буклетлардан
Абдуллоҳ БУХОРИЙ
тайёрлади

Кудрат ДУСТМУХАММАД

ФАССОЛ ЙИ И Ғ Л А Д И

Хикоя

Менга кадрдон бўлиб қолган бу одамни шу аҳволда кўраман, ечинтираман, деб ҳеч ўйламаган эдим. Кийимларини ечатуриб, бир оз уринтирдим. «Кечирасиз, сизни қийнаб қўйдим», дедим, бир-икки дона кўзёшим юзига томди, бармоқларим билан артдим.

Фассол авратни қийикча билан ёпди.

— Сув!

Областани қўлга олдим.

— Куйинг! Ашҳаду алла илаҳа иллоллоҳ... И-е! Сув совуқ-ку! Дарров қайноқ сув обкелиб қўшинглар!

— Ҳаво совуқ, уй илиқ, совиб қолган-да.

— Иссиқроқ бўлса, мурда юмшайди, — дея тушунтирди фассол.

Бирпасда сувни янгиладик.

— Мана бу бошқа гап! — деди фассол мамнун бўлиб. — Қани, куйинг! Ашҳаду алла илаҳа иллоллоҳу...

Бундай ишда бир неча марта ёрдамлашиб, мурдашўйлик тартибини билиб қолганман. Чол бўлганимда фассол бўлсам-а? Таҳорат қай тартибда олинса, мурдани ҳам шу кетма-кетликда калимаи шаҳодатни тинмай ўқиб ювилади, фарқи шуки, бунда бутун гавда ювилади. Би-

ринчи марта қуруқ сув билан, кейинги икки марта совунлаб ювилади.

Фассол икки қўлни ювиб бўлгач, майитнинг юзига ўтди:

— Куйинг!

Қуя олмадим. Назаримда сув майитнинг бурунларига кириб, нафас олдирмай қўядигандек, кўзларини ачиштирадигандек.

— Кўлимнинг устидан қуяверинг.

Буниси менга осонроқ, ахир, сувни марҳумнинг юзига тўғридан-тўғри қуйиш уни ҳақоратлаш бўлмайдами?

— Ёнбошлатинглар! Биттайлар кўлидан, биттайлар оёғидан секин тортиб ёнбошлатасизлар.

Шерикларим фассолнинг айтганини қилишди.

Эй дунёи бевафо! Елиб-югуриб, дунёни ағдартунтар қиламан, дейдиган одамлар бир куни келиб мана шунақа аҳволга тушишини ўйлармикин? Ҳатто ёнбошлай олмасанг, бировлар чўмилтириб қўйса! Йиғламай бўладими?

— Яхши. Шундай ушлаб туринглар. Орқалари қорайиб кетибди. Кўп ётганмидилар?

— Йўқ, — дедим, — юриб туриб вафот этдилар. Юрак хуружи қайталаб қолган.

Юрак уриши тўхтагач, қон гавданнинг пастки томонига тўпланиб қолса керакки, жасаднинг ост қисми бошидан-оёқ қоп-қора эди.

Баданнинг бунақа қорайиши ҳеч гапмас. Ўз уйинг, ўлан тўшагингда омонатни осонгина топширганга нима етсин! Бошқа жойларда, тиг остига кириб ўлиб қолсанг борми, аъзоларинг талон-торож бўлиб кетиши ҳеч гапмас! Кейин қабрга жасадингнинг «кутича»сини обориб кўмишади... Ана ўшанда она Ер нима дейди?

Бувимдан эшитганим афсона ёдимга тушди: Аллоҳ Одамни бунёд қилиш учун Ердан тупроқ олганида, Ер негадир нола қилган экан. Шунда Яратувчи уни юпатиб: «Йиғлама. Мен яратган Одам ва унинг зурриётлари бир куни барибир бағрингга қайтиб келади. Ўзлари бир-бирларини ювиб-тараб, оппоқ матоларга ўраб келтириб қўйишади», деган экан.

Омонат чала, яримта-юрумта қилиб қайтарилса, Ер нола тугул фарёд чекмайдами?!

— Энди нариги томонга ёнбошлатинглар. Ҳа, шундай ушланглар. Куйинг!..

Бувим раҳматлик танчанинг четида ўтириб, эртадан-кечгача Қуръон ўқирдилар. Ора-чора нималарнидир хиргойи қилардилар. «Қиёмат кун мани шарманда қилма-а-а», деган нолалари ҳали ҳам қулоғим остида янграйди. «Мушкулумни осон қил!» деган хитоблари нима эканини кейин-кейин тушунадиган бўлдим. «Мушкул» деб жон таслим қилишни назарда тутар эканлар. Оғир ётган беморнинг сўнгги нафаси азобли кечиши-

(Охири. Бошлангани ўтган сонда.)

ни ўйлаб, осон қил, деб илтижо қилинар экан. Эшитишимча, бу қадрдонимнинг мушукули осон бўпти. Бу ҳам Аллоҳнинг марҳамати!

Аслида, туғилиш Аллоҳнинг қандай марҳамати бўлса, билганга ўлим ҳам ундан кам эмас. Дарвоқе, ўлимни туҳфа деган бир ҳадис ҳам бор эди, шекилли? Моддий дунё ичида ивирсиб, кўзи билангина кўра оладиган, шунда ҳам минг марта янглишиб, бу дунёнинг моҳиятига ета олмайдиган одам бирданига макон ва замон чегараларидан чиқиб кетса, бу дунёда ўралашиб юрган ғофил бандалардан бирдан устун бўлиб қолса, шунинг ўзи улуғ бир туҳфа эмасми?!

Маййит уч марта чўмиштирилганидан кейин чойшаб билан қуп-қуруқ қилиб артдик, ғассол синчиклаб қузатиб турди. Мозорга бериб юбориладиган кўрпачани ғассолнинг ўзи полга тўшадди, сўнгра «Чойшабни олинг!» деди. Узунасига тикилган сурп бўлагидан биттасини олиб узатдим. Чет-четидан тортиб, кўрпача устига ёйдик. Теп-текис бўлди, чоки кўрпачанинг ўртасига тўғри келди. Худди шунақа қилиб, иккинчи чойшабни устма-уст қўйдик.

— Кўйлакни узатворинг!

Кафанни баъзилар икки қулоч сурп деб ўйлайди. Ғассолга ёрдамчи бўлсангиз, унинг нималигию қанча бўлақлардан иборатлигини билиб оларкансиз. Ҳар бир бўлакнинг ўз номи бор: чойшаб, кўйлак, белбоғ, ип, яна алланима нарсалар. Шуларнинг ҳаммаси кафан дейилади. «Кўйлак» дегани жасаддан икки мартача узун сурп бўлаги, ўртасидан тешик очилган, маййитнинг бошига кийгазилади.

Кўйлакни чойшаблар устига ёйдик.

— Мана, қаранглар! — деди ғассол ҳаммамизга. — Бошни манави тешикка мўлжаллаб қўясизлар. Энди, белбоғни ўтказинглар. Боя кўтардинлар-ку, худди ўшанақа қилиб, пастга оласизлар.

Учовлон ҳа-ҳалашиб, бир-биримизга «Маҳкам тут!» дейишиб, ювилган топ-тоза, қуп-қуруқ жасадни тахтадан кўтариб, пастга олдик, ғассол айтганидек қўйдик.

Кафанлаш бошланди. Хотинлар гўё шуни кутиб тургандек, бирданига йиғини авжга чиқариб юборишди. Ташқарида тўс-тўполон бўлиб кетди. Эшикка кимдир урилди. Бояги овозлар ичида янгилари пайдо бўлди.

«Вой, акажон!»

«Вой, отам!»

«Вой, болам!»

Шунча овоз ичида шу охиргиси бўлакча чиқди. Ўликни кафанлаётган ғассол ҳатто бир дам тўхтаб қолди. Ҳамма бу овозга, у оҳангга ром бўлиб қолгандек эди гўё. Йиғлаётган бошқа овозлар сал пасайиб, «Йиғлаш мана бунақа бўлар-

кан-у», дегандек унга «ўрин» бўшатиб берди.

Ичкарида: «Ўликни у ёққа сур, бу ёққа сур, кўтар, тушир! Яланғочлаб юв, кафанла!» Ташқарида: «Вой болам!..»

Одамзотнинг муқаррар бу ҳолати, гарчи юзлаб бор кўриб юрган бўлса-да, ғассолнинг ҳам юрак-бағрини эзиб юборди:

— Ўлим ёмон нарса-де, а? — деб юборди у бағри тўлиб, биз томонга қараб кўяркан. Кўзларидан оққан ёшлар кафанлик устига тўкилди. — Қаранг, онанинг фарёдини!

Бефарқ қолиб бўлмайдиган ҳолат эди бу!

Мен ҳозир ҳарчанд қайғурмай, беихтиёр миямга келган фикрлардан қутула олмадим. Ҳайдайман, деб уриндим, бўлмади. Ғассол янглишган эди: уни йиғлатган фарёд марҳумнинг онасига тегишли эмасди. Онаси аллақачон оламдан ўтган, эҳтимол она-боланинг руҳи бир-бири билан аллақачон топишиб олгандир.

Фарёд қилаётган хотин эса, бошқа... Умуман олганда, у ҳам она, шуниси тўғри.

— Ипдан биттасини олинг. Оёқларини боғланг. Ечиладиган бўлсин!

Айтганидек қилдим.

— Энди кафанни ўраймиз. Кўйлакнинг четларини жасаднинг остига тикинглар. Яхши. Чойшабнинг устидагисини тўрт томондан тортинглар! Таранг бўлсин! Яна! Яна! Уранглар! Тахланиб қолмасин, текисланглар. Остидаги чойшабни тортинглар! Уранглар! Тортинг! Тортинг! Оёқ томон калта бўлиб қолмасин! Кўтариш қийин бўлади.

Бирпасда жасадни йўрғаклаб, тахтакачдек қилиб қўйдик, бош ва оёқ томонда чойшабларнинг учини ип-сурп чизимча билан танғиб боғладик, белбоғ ўтказдик. Тахтани ташқарига чиқариб, тобутни олиб кирдик. Жасадни икки киши кўтардик. Яна бир ёрдамчи ғассол билан биргалашиб, кўрпачани тобут ичига тўшашди. Нар сур, бери сур қилиб бирам чўзилишдики, қўлим толиб кетди, мурдани ташлаб юбормасам бўлгани, ишқилиб. Кўрпача устидан янги кўрпажилдни ташлаб, ҳар томонга тортишди, узо-оқ тортишди. Жасад қўлимдан тушиб кетай-тушиб кетай деганида, ҳартугул, ғассол: «Кўйинглар», деди. Ниҳоят, тобутга жойладик. Ғассол кўрпажилд билан ўради.

— Энди, мен гусл қилиб чиқаман, унгача сизлар ҳеч кимни киритманглар, — деди ва хонадан чиқди.

Ғассол ҳаммомчага кириб кетиши билан аёллар ёпирилиб киришди, уларни тўхтатиб бўлмади. Чуввос йиғи яна бошланди.

Ўша куни бу йиғилар қаватли уйлар териб ташланган мавзеда узоқ-узоқларгача эшитилган эмиш.

ИСЛОМДАГИ МУКАДДАС ЖОЙЛАР

Сарвари олам Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарликларининг ўн биринчи йили Ражаб ойининг 27-куни тарихда мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди. Бу воқеа Исро ва Меърож ҳодисалари эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кечада Маккадаги Каъбадан Қуддусдаги Масжидул Ақсога олиб келиндилар ва у ердан Арши Аълога кўтарилдилар.

Ақсо масжиди Ислонинг дастлабки 16–17 ойи давомида мусулмонлар учун қибла вазифасини ўтаб келган. Сўнгра Аллоҳнинг амри билан қибла қилиб Каъба кўрсатилган. Бақара сурасининг 149–150-оятлари шу ҳақда нозил бўлган.

Мазмуни: «Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид-ал-Ҳаром томон буринг! У шубҳасиз Парвардигорингиз (буюрган) ҳақ қибладир».

Бугунги Қуддус шаҳри жойлашган ҳудуд ва унинг атрофлари қадимда Шом ери деб аталган. Ҳозирги Фаластин, Иордания, Ливан ва Сурия жойлашган ерларга тўғри келади. Қуддус иккинчи халифа Ҳазрати Умар (р.а.) томонидан 638 йили Рум асоратидан озод қилинган. Ушанда Ҳазрати Умар (р.а.) насроний ва яҳудийларни ҳам ҳимояларига олган эдилар.

Халифа Умар Қуддус шаҳрининг диний киёфа-мазмунини сақлаб қолишга ҳаракат

(Аллоҳ) бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсонлардан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир (Ал-Исро, 1).

Масжидул Ақсо



қилди. Насронийлар тинч ҳаёт ва хавфсизлигини таъминлаган Ҳазрати Умардан ва мусулмонлардан миннатдор бўлдилар. Улар ҳатто Қуддусдаги «Воскресение» («Қайта тирилиш») черкови калитини ҳам, черковнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳам мусулмонларга ишончи топширдилар. Бу ибодатхона калити юксак ишонч белгиси сифатида узоқ вақт мусулмонлар қўлида сақланиб қолди.

Кейинроқ эса Қуддус ва ўша музофотдаги бошқа шаҳарлар ҳам салкам бир аср давомида салибчилар босқинини бошдан кечирдилар. Бу даврда мусулмонлар, маҳаллий насронийлар ва яҳудийлар таъқибга олиниб, икки юз мингдан ортиқ бегуноҳ одам қурбон қилинди.

Ниҳоят, султон Са-лоҳиддин ал-Айюбий бошчилигидаги мусулмонлар қўшини Қуддусни салибчилардан озод қилди.

Масжидул Ақсода ўқилган намоз даражаси Масжидул Ҳаром ва Мажидун Набавийдан бошқа масжидларда ўқилган намозга қараганда беш юз марта ортиқроқдир.

Расулulloҳ (с.а.в.) Масжидул Ақсо ҳақида: «Бу ерга келиб намоз

ўқинглар, агар келиб намоз ўқий олмасангиз, қандилларни ёритиш учун зайт (мой) юборинглар», деганлар. Яна бошқа бир ҳадисда: «Кимки Байтул Мақдисда вафот этса, гўё самода вафот эт-

гандекдир», деганлар. Яъни, Аллоҳга ва унинг Расулига имони ва итоати бўлган ҳолда Байтул Мақдисда жон берган киши гўё самода вафот этгандекдир. Ислон фикҳидан маълумки, ҳаж ва умрани Байтул Мақдисдан бошлашни ният этиш мустаҳабдир. Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки ҳаж ё умрани Масжидул Ақсодан бошласа, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», деб айтганлар.

Мусулмонлар асрлар давомида Масжидул Ақсонини авайлаб, эъзозлаб, унинг ободончилигига аҳамият бериб келганлар. Бу ҳолат то 1967 йилнинг ёзигача давом этади. Уша йили яҳудий босқинчилар томонидан Қуддус шаҳри истило қилинди, шу билан Масжидул Ақсога мусулмонларнинг зиёрати узилиб қолди.

Бир саволим бор



Аллоҳ таолони «ҳақиқий таниш»ни шарҳлаб беришингизни илтимос қиламан.

Икром ҲОТАМОВ,
Сариосиё

Жавоб. Аллоҳ таолонинг ше-риги йўқ, тенги йўқ. У барча айбу нуқсондан пок ва ушбу комил сифатларга эга зотдир:

1. **Ҳаёт** — Аллоҳ таоло азалу абад тирикдир. Тириклиги биз каби эмас.

2. **Қудрат** — Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасига қодирдир.

3. **Илм** — Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгучидир. Ҳеч нарса унинг илмидан хориж эмас.

4. **Самъ** — Аллоҳ таоло эшитгучидир, эшитиши махлуқлар каби кулоқ билан эмас.

5. **Басар** — Аллоҳ таоло барча нарсани кўргувчидир. Кўриши бизнинг тасаввуримиздаги кўз билан эмас.

6. **Калом** — Аллоҳ таоло сўзлагувчидир. Сўзлаши инсонларнинг сўзлашига ўхшамас.

7. **Ирода** — Аллоҳ таоло хоҳлагани бўлади. Ниманинг бўлишини хоҳласа, бўлади. Ниманинг бўлмаслигини хоҳласа, бўлмайди.

8. **Таквин** — Аллоҳ таоло йўқдан бор қилгучидир.

Шундай эътиқодда бўлиш Аллоҳ таолони ҳақиқий танишдир.

«Ақоиди Насафийа» китоби асосида тайёрланди.

Намозда нигоҳ қаерда бўлиши ҳамда қўл ва оёқлар ҳолати ҳақида баён қилсангиз?

Муқаддас АШУРОВА,
Ғузор

Жавоб. Эркак киши «Аллоҳу акбар» деб намозни бошлашда (енги узун бўлса) икки қўл кафтини енгидан тўлиқ чиқариб, бармоқларини ўз ҳолича тутиб, кафтни қиблага қаратиб, бошни энгаштирмай бош бармоқларни кулоқлар юмшоғига текказди. Аёллар эса қўлларини енгларидан чиқармаган ҳолда қўлларни елкаларигача кўтардилар. Сўнг ўнг қўл кафтини чап қўлнинг кафти орқасига қўйиб, ўнг қўл бош бармоғи ва чимчилоғи билан чап қўл ошиғи ушланади. Бунда қолган уч бармоқ чап қўл билагида бўлади. Шу ҳолда қўлларни эркаклар киндик остида, аёллар кўкраклари устида тутадилар. Қиёмда эркакларнинг оёқлари ораси тўрт бармоқ энли бўлиши керак. Аёллар оёқларини жуфглаб турадилар. Эркак-

лар рукуъда қўл бармоқлари орасини очиб икки тиззани маҳкам чангаллайдилар. Аёллар бармоқларини жамлаб тиззаларини тутадилар. Саждада қўл ва оёқ бармоқлари қиблага қаратилади. Қўл бармоқлари жуфтланиб, бош бармоқ қош тўғрисига қўйилади. Бу ҳолда кулоқ устидан тушган нарса қўл устига тушадиган бўлсин, билаклар ерга тегмасин. «Фатовои Оламгирийа» ва «Мунйатул мусалли» китобларида намоз ўқувчининг сажда ҳолида оёқларини ердан кўтариши намозни фосид қилиши — бузиши айtilган. Агар бир оёгини кўтарса, макруҳ бўлади.

Қаъдада эркаклар чап оёқларини тўшаб унга ўтирадилар. Ўнг оёқларини, панжаларини қиблага қилиб тик тутадилар. Қўллар, бармоқлар ўз ҳолича тутилиб, сонга қўйилади. Бармоқ учлари тизза билан тенг бўлиши лозим. Аёллар чап қуйруғи билан ўтириб, ўнг томондан икки оёгини чиқариб, ўнг болдирини чап болдири устига қўяди. Сажда-

да икки билагини ерга қўяди.

Намозхон қиёмда сажда қиладиган жойига, рукуъда оёқларининг устларига, сажда қилган вақтида бурнининг юмшоғига, ўтирганда кўкрагига, салом берганида елкасига қараши лозим.

Динимизда ўлчамларга нисбатан ишлатилган газ, мил ва фарсах миқдори ҳақида маълумот берсангиз.

Илҳом ХАЛИЛОВ,
Булунгур

Жавоб. Мазҳабимиздаги машҳур фикрга кўра, бир мил тўрт минг газдир. Ун икки минг газ, (уч мил) бир фарсахни ташкил этади. Йигирма тўрт бармоқ ё олти тутам бир газдир. Бу газ — узунлик учундир. Матолар учун белгиланган газ йигирма саккиз бармоқ ё етти тутамдир.

«Маслакул муттақийн», «Тасҳили зарурий», «Мажмуатул фатово» китоблари асосида тайёрланди.

ЭЪТИҚОДДАН СУВ ИЧГАН

Мустабид совет даври халқ ва миллатлар, алоҳида шахслар, биринчи галда ижодкор зиёлилар учун имон-этиқод бобида ўзига хос синов-имтиҳон йиллари бўлди. Даҳрийлик майлларини нуқул тоталитар тузум сиёсати билан оқлашга уринишларни тўла ҳазм қилолмайман. Мен ўзим туғилиб ўсган оила муҳитидан далил келтирай. Раҳматли дадам Нормухаммад қори мадраса таълимини олган, Қуръони Каримни хатм қилган, ҳадис, фикҳ илмларини эгаллаган эдилар. Шўро тузумининг илк кунларидан то умрларининг охири – 60-йилларга қадар турли раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Ҳаётда, юриш-туришда етук замонвий бўлган бу зот умр бўйи намоз, рўза амалларини адо этиб келдилар.

Мен ҳам маҳалламиздаги Азимжон қори қўлида савод чиқарганман. Болалигимдан беш вақт намоз ўқиганман, рўза тутганман. Масжидда муаззинлик ҳам қилганман. Айни вақтда, мактабда аълочиларнинг олдинги сафида юрганман.

Адабиёт дунёсига келсак, даҳрийлик сиёсати ҳукмрон бўлган, диний майлларнинг ҳар қандай кўринишига қарши шафқатсиз кураш олиб борилган ўша муддиш йилларда кўп талофатлар, фожиалар юз берди-ю, аммо уни имон отлиғи муқаддас илоҳий туйғудан жудо эта олмадилар. Чўлпон, Фитрат, Ҳамзани билмайман, аммо Абдулла Қодирийнинг мустаҳкам имон-этиқоди хусусида фарзандлари Ҳабибулла ва Маъсуд акалардан эшитганман.

Абдулла Қодирий умр бўйи намозни қанда қилган эмас, ҳатто қатл олдидан таҳорат олиб, видо намозини адо этган эканлар.

Абдулла Қодирийнинг даҳрийлик авжига минган 30-йилларда битилган «Обид кетмон» асаридоги диний талқинлар ўз даври учун қанчалар катта жасорат бўлганини бугун ҳатто айрим адабиётшунослар ҳам етарли тасаввур


этолмайди. Қаранг, асарнинг бош ижобий қаҳрамони – раҳбар шахс Обид – намозхон; у дунёвий ишлар – деҳқончилик бобидагина эмас, диний билимлар соҳасида ҳам етук одам. Асардаги Ҳатиб домла ва мулла Муҳсин образлари ҳам ўзгача самимият, ички бир меҳр, халқона юмор билан тасвир этилган. Мен яқинда бир уламо билан бу образлар хусусида суҳбатлашиб қолдим ва асардаги диндорлар талқинида Исломга зид, малол келадиган бирор жиҳат борми, деб сўрадим. Ишонч билан «йўқ» деб жавоб қайтардилар.

Бундай ижодий-маънавий жасоратни, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, «шахси бутунлик» намуналарини бошқа адиблар ижодий фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита», Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат», Думбадзенинг «Абадият қонуни» каби романлари совет давридаги даҳрийлик зулматини ёритувчи яшиндек чарақлаган эди. Асқад Мухторнинг 60-йиллари ёзилган «Чинор» романидага Аҳмад Яссавий билан боғлиқ нури бир воқеа тасвири, «Бухоронинг жин кўчалари» қиссасидаги руҳоний аллома сиймоси, Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» дostonида келтирилган диний ривоятлар ифодаси китобхон кўнглидаги илоҳийта ташналикни озми-кўпми қондирган эди. Бундай мисоллар кўп.

Истиқлол йилларида диний-исломий адабиётларнинг нашр этилиши ва оммалашуви адабий жараён қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги кунда илоҳий рух, имон-этиқод ва диний ғоялардан озуқа олмаган бирорта ижодкорни, бирорта жиддий асарни тополмайсиз. Бироқ шу йўналишда маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлган асарлар яратилдими, деган саволга даядил жавоб беришга қийналамиз. Бу борада баъдий талқинлар даражасини юксак деб бўлмайди. Мени, айниқса, шеърларда ўринлими-ўринсизми фарқи бормасдан Аллоҳ номини тилга олавериш, диний этиқодни пеш қилавериш ҳоллари ранжитади. Бу ҳам риёкорликнинг бир кўринишига ўхшаб кетади. Айниқса, билиб-билмай тасаввуфий йўлларга «кириб кетиш»лар... Албатта, орзуга айб йўқ. Аммо тасаввуфий шеърлар битиш учун, менингча, мутасаввиф бўлмақ даркор. Бу нарса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Минг йиллик адабиёт тарихимизни эсланг: Чин мутасаввиф шоирлар бармоқ билан санарли. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Машраб, Сўфи Оллоҳёра, Ҳувайдо...

Ҳатто ҳазрат Алишер Навоийдек зот «Арбаъин» – «Қирқ ҳадис» ёзганида устози Жомийнинг асарини эркин-ижодий таржима қилиш билан чекланган эди, холос.

Айтмоқчиманки, муқаддас Ислом динимиз ҳақида ибтидоий шеър, юзаки дostonлар, мадҳиялар ёзиш даври ўтди. Исломнинг буюк моҳиятини очиб берадиган, энг етук адабиёт ва санъат намуналари билан беллаша оладиган мукамал асарлар яратиш пайти келди.



Истак

Ҳар нарсанинг манбаи

Юртимиздан ҳам дунёвий, ҳам ухровий илмлар бўйича улуг кишилар етишиб чиққани бугун ҳаммага маълум. Ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Марғиноний, ибн Сино, ал-Беруний[®] ва ҳоказо... Саноқни узоқ давом эттириш мумкин. Аммо бир савол туғилади: аждодларимиз бундай юксакликка қандай эришдилар экан?

Биринчи сабаб, улар мустаҳкам имонга эга бўлганлар. Исломининг барча арконларига тўла риоя этганлар ва имонлари тақозосига кўра ижод қилганлар. Ислому фалсафаси биз яқин кунларгача амал қилиб келган фалсафадан тамомон ўзгачадир. Масалан, биз «Адабиёт маънавиятнинг манбаидир» деб келдик. Фикри ожизимча, аслида ундай эмас. Инсонга хос ҳис-туйғу, билим, ахлоқ-одоб ва маънавиятга тегишли бошқа жамики латоиф Аллоҳдандир. Унда адабиётнинг ўрни қаерда қолади, дейишингиз мумкин. Адабиёт инсондаги ана шу маънавиятни тарғиб ва ташвиқ этувчидир. Ҳа, маънавиятдан одоб берувчидир.

Яна, биз тез-тез ишлатиб турадиган «Сув ҳаёт манбаидир» деган жумлани олайлик. Маъно зоҳиран тўғри, аммо «Сувнинг ўзи-чи? Унинг манбаи нима?» деган савол қўйилса, сув ўз ҳолича манба бўлолмаслиги ойдинлашади. Чунки у ҳам, худди ҳаёт каби, яратилмиш нарса. Давомийликни таъминловчи сабабдир, холос. Униси бунисига манба бўлолмайди, уларнинг манбаи бирдир – Аллоҳдир

Тушунмовчилик оқибатида қўлланиб юрадиган бунақа мисоллар ҳаётда кўплаб учрайди. Шу муносабат билан бир таклиф қилмоқчиман: «Ҳидоят» журнали саҳифаларида мана шунақа нотўғри тушунчаларни ўнглайдиган алоҳида бир боб очилса. Шояд оёғи осмондан келган кечаги фалсафанинг аччиқ таъсиридан тезроқ қутулсак.

Абдусаттор ДАРВИШОВ,
Андижон вилояти, Урмонбек қишлоғи

Таклиф

Меҳр-муҳаббатли бўлади

Шўро тузуми даврида олиб борилган атеистик тарғибот натижасида одамлар қалбида бир бўшлиқ пайдо бўлди. Айрим ботил даъватларга ҳам ишониб кетишди. Бугунги кунда Ислому динига оид асл ҳақиқатларни тиклашда ва ҳар хил адашган оқимларни бартараф этишда сизнинг ойномангиз инсонларга сув ва ҳаводек зарур. Ислому дини моҳиятини билиб, унга амал қилган инсонлар бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўладилар. Аллоҳдан қўрқиб, ҳеч кимга ёмонлик қилмайдилар.

Халқимиз «Ҳидоят»ни кўпроқ ўқишларини истаган ҳолда, бир-икки таклиф билдирмоқчи эдим. Биринчиси шуки, ойнома дўконларга кўпроқ чиқарилса. Иккинчидан, журнал муқовасига яхши мақолаларнинг сарлавҳалари ёзилса. Учунчидан, нархи ҳам имкон қадар арзонроқ бўлса. Шунда «Ҳидоят»нинг ўқувчилари сони янада кўпайган бўлар эди.

Муқаддас БЕГ,
Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани

Иъжоз

Садақанинг беш шарт

وَمَارَرَقْتَهُمْ بِفِقْوَن

«Ва биз уларга берган нарсдан садақа қиладилар».

Бақара сураси 3-оятти сўнгидида шундай мазмун ифодаланади. Тафсири китобларида бундан қуйидаги маънолар чиқарилган:

Биринчидан, садақа берувчининг ўзи кейин садақага муҳтож бўлиб қолмасин. «Нарса» сўзидаги «...дан» қўшимчаси ифодаладиган маъно шунга ишора этади.

Иккинчидан, берилаётган садақаси ўз моли бўлсин. «Биз уларга берган» жумласининг тақозоси шу.

Учинчидан, садақа берувчи миннат қилмасин. «Биз берган» таркиби шуни таъкидлайди.

Тўртинчидан, беҳудага эмас, эҳтиёжга ишлатадиган инсонга садақа берсин. «Садақа қиладилар» сўзининг далолати ана шундай.

Бешинчидан, Аллоҳ номидан берсин. «Биз уларга берган» жумласининг тақозоси шу.

Садақа фақат мол билан эмас, ширин сўз, феълий кўмак, тўғри насиҳат билан ҳам бўлади. «Нарса» мазмунидаги калима шунга шомилдир.

Етти сўздан иборат бу оятти жалила ана шунча мазмунни ифодалаши Куръони Каримнинг мўъжизалиги, балоғати намуналаридан бири, холос.

Отабек ФАЙБУЛЛОХ ўғли,
Қашқадарё, Шаҳрисабз тумани



Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

ҲИҚМАТ ИЗЛАҒАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

* * *

Гуноҳим кўп, шундан қадди камон ман,
Тавба этмай юряпман ҳамон ман.
Аё дўстлар, гафлатдаман, водариг,
Ёмонлигин билмайдиган ёмонман!

* * *

У сенга яқиндур, сен эса йироқ,
У висол истайди, сен эса фироқ.
У боқий дунёни сенга бағишлар,
Сен фоний дунёнинг дўстисан бироқ.

* * *

Оташ эдик, охири сўндик,
Туфроқ эдик, туфроққа дўндик.
Бировларни менсимасдик, гоҳ,
Оёқости бўлмоққа кўндик.

* * *

Дўстан бегонаман, бегонаман,
Даҳрда афсонаман, афсонаман.
Арпа эдим, буғдой ўрмоқчиман,
Ложарам девонаман, девонаман.

* * *

Ҳар асрнинг бордур ўз куйи,
Ҳар асрнинг ўз рангу рўйи.
Ҳар асрнинг ўз дуоиси бор,
Ҳар асрнинг ўз дуогўйи.



* * *

Қалб зулмати — жаҳолат,
Қалб зулмати кўрликдир.
Икки дунёси барбод
Қалби кўрлар шўрликдир.
Тун зулмати муваққат,
Қалб зулмати абадий.
Қалбимизни ёруғ эт,
Раббим, ўзинг бўл ҳодий!



* * *

Яхшилик этган билар не яхшилик,
Ҳар муродга етказар де яхшилик.
Сен ёмонга яхшилик эт, ложарам,
Ҳар ёмонга асли танбеҳ яхшилик.

* * *

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё.
Ким неки изласа топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.

* * *

Фаросат аҳлига ибрат замона,
Дили кўрлар учун ишрат замона.
Дилини покламоқ бўлганлар айтур
Ки зикри Ҳақ учун фурсат замона.

* * *

Васл тугаб фироқ келмасдан олдин,
Танимни гўр тупроқ қилмасдан олдин,
Мен ўзимни сўроқ қиламан ҳар кун,
Мункар-Накир сўроқ қилмасдан олдин.

* * *

Оҳким, бир оҳга ҳам арзимагай дунёйи дун,
Воҳким, бир воҳга ҳам арзимагай дунёи дун.

Мен жаҳонгирман дебон ўтди жаҳондин беҳисоб
Шоҳким, бир шоҳга ҳам арзимагай дунёйи дун.

Қанчалар бир-бирга қарши қовладилар неча минг
Чоҳқим, бир чоҳга ҳам арзимагай дунёйи дун.

Ранжу кулфатлар мудом бор, шоду хуррамлик келар
Гоҳқим, бир гоҳга ҳам арзимагай дунёйи дун.

Ғамдин, Садриддино, дам урмагил беҳуда ҳеч,
Оҳқим, бир оҳга ҳам арзимагай дунёйи дун.



Ана шундай улуг мартаба эгаси бўлишига қарамай, Акбаршоҳ ниҳоятда камтар эди. Баъзилар уни ўзларига пир бўлишини сўраб мурожаат қилишганида, у камтарлик билан: “Мен ўзим пирга муҳтожлик сезиб турганим бир пайтда қандай қилиб сизларга пир бўла оламан”, дея жавоб берар экан. Отаси умрининг охиригача камтар, художўй инсон ва содиқ мусулмонлигича қолганини унинг валиаҳди Жаҳонгиршоҳ¹ ҳам ўзининг “Тузуки Жаҳонгирий” деб аталган хотираномасида алоҳида таъкидлаб ёзган. Унинг айгишича, Акбаршоҳ “Табиатда бўшлиқ жойнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, Аллоҳ ҳар жойда ҳозир у нозирдир. Яратувчи Аллоҳ билан яралмиш банда ўратасида тил билан изоҳлаб бўлмайдиган боғлиқлик ришталари мавжуддир”, дея таъкидлаб турар экан.

Ўша пайтда миссионер² сифатида Ҳиндистонга келган ва “Дин паноҳ”даги мунозараларда қатнашиб, шоҳ саройида анча муддат умргузаронлик қилган фарблик насроний роҳиблардан бири Акбаршоҳ ҳақида шундай деб ёзган экан: “У ҳақиқатан ҳам буюк ҳукмдордир: у ҳамма учун севимли подшоҳ бўлиб, ҳар бир фуқаро унинг гамхўрлигини туйиб турар эди. У сарой аёнларига самимий, куйи табақадагиларга эса, шафқат назари билан муносабатда бўлар, кўпинча табақаси ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳаммага бир хил эътибор берарди. У Аллоҳдан кўрқиб яшар, беш маҳал намозини қанда қилмас, ўзининг қанчалик банд бўлишига қарамай, намозларининг

¹ Шаҳзода Салим отаси вафотидан сўнг тахтга чиққач, ўзини Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир Подшоҳи Фозий деб эълон қилган.

² Дин даъватчиси



Гофуржон СОТИМОВ

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВИДА ДИН

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

тўқис ўқилишига риоя қилар эди”.

Акбаршоҳнинг 1562 йили Жайпур вилояти рожаси ҳинд Тодар Малнинг қизига уйланиши, 1570 йилда ўгли шаҳзода Муҳаммад Салимни Биконар ва Жайсалмор вилоятларининг ражпут ҳокимларининг қизларига уйлантириши ҳам мамлакатда тинчлик-осойишталик ўрнатишнинг нақадар таъсирчан усулларида фойдаланганини кўрсатади. Маҳаллий аҳолига кўрсатилган ишонч ва эътибор раият назарида Акбаршоҳнинг ҳурмат-эътиборини ошириб юборган эди. Асрлар бўйи мусулмонларга қарши курашиб келган ражпутлар подшоҳ сиёсатидан мамнун бўлиб, унинг хизматига кириб, унга садоқат билан хизмат қилишга интила бошладилар. Бу ҳол салтанат негизини мустаҳкамлашга омил бўлар эди. Ҳарбий юришлар давомида ҳинд мансабдорлари энг оғир ва масъулиятли жойларга юборилар ва ўзларига билдирилган ишончдан ғурурланган ражпутлар жанг майдонларида жон-жаҳд билан жангга кириб, қахрамонлик ва садоқат намуналарини кўрсатишар эди.

Мусулмонлар ва маҳаллий раият вакиллари ўртасидаги

ўзаро ҳурмат муносабатларини тиклаш ва тинч-тотув яшашларини таъминлаш мақсадида амалга оширилган бу тадбир-чоралар Акбаршоҳ салтанатининг тобора худудан кенгайишига ва салтанат негизининг ҳартомонлама мустаҳкамланишига, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига, ҳукмдорнинг эса, “Буюк Акбар”, “Халқ подшоҳи”, “Миллий қахрамон” каби олий унвонларга сазовор бўлишига олиб келди. Ҳинд тарихнависи Р.П.Трипатининг таъбири билан айтганда, Акбаршоҳ “...ўз даврининг ҳам боласи, ҳам отаси эди”.

Ўрталиқ сиёсат

Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлик қилган даврдаги дин ва унга нисбатан ҳукмдорнинг муносабатини баҳолашда ҳинд тарихнависи Л.П.Шарманинг фикрини баён қилиш мақсадга мувофиқ кўринади. Унинг фикрича, Жаҳонгиршоҳнинг диний эътиқоди ва динга нисбатан олиб борган сиёсати валинеъмати Акбаршоҳ билан валиаҳди Шоҳ Жаҳон олиб борган диний сиёсатга нисбатан қандайдир ўрталиқ жойни эгаллади. Ўзи художўй киши бўлиб,

мусулмончиликнинг асосий қоидаларига итоат қилар эдию, лекин берилиб амал қилмас эди. Барча диний эътиқоддаги кишиларга барабар муомала қиларди. Оврупалик насроний миссионерлар билан яқин мулоқотда бўлар, ҳатто улардан айримларини невараларига тарбиячилик қилишлари учун ишга ҳам ёллаган эди. Албатта, сиёсий вазият талаб қилган ҳарбий юриш ва жанг пайтларида буддачилар ёки насронийларнинг ибодатхоналарини вайрон қилдирган ҳоллар ҳам бўлган, бироқ тинчлик даврида диний эътиқоди учун фуқаронинг таъқиб этилишига сира йўл қўймас ва барча динлар давлат томонидан барабар ҳимоя қилинар эди.

Кашмир воҳасидаги Ражурий штатида бутпараст ҳиндлар мусулмон аёлларга уйланиб олгач, хотинларини ҳиндуизмни қабул этишга мажбур қилганларидан хабар топгач, Жаҳонгиршоҳ уларни қаттиқ жазога маҳкум этган эди.

Шоҳ Жаҳоннинг диний эътиқоди ва умуман бошқа динларга бўлган муносабатига келсак, албатта, унда бобоси ва отасига нисбатан мусулмонликка кўпроқ берилгани сезилиб туради. Бироқ насронийлик ва ҳиндуизмни ҳам тақиқламайди. Бобоси ва отасининг диний сиёсатига содиқ қолгани учун маҳаллий ҳиндлар унга катта ҳурмат назари билан қарайдилар.

Аврангзеб Оламгир даври

Бобурий подшоҳлар ҳукмронлиги тарихида ҳукмдорнинг динга муносабати борасида Аврангзеб Оламгир даври³ алоҳида аҳамият касб этди.

Аврангзеб ёшлигиданоқ ўта художўй, тақводор мусулмон,

камтар инсон эди. Шариат қоидаларига ва Қуръони Карим талабларига қатъий риоя қиларди. Ейдиган таомлари ва киядиган либослари ҳам жуда содда бўлиб, ортиқча ҳашам ва



зебу зийнатларни ёқтирмас эди. Умрида бирон марта ҳам кайф қиладиган ичкилигу гиёҳни тотиб кўрмаган тақводор инсон эди. Шунинг учун бўлса керак, аёллар билан бўладиган ишратлардан ҳам ўзини четда



тутарди. Унинг хотинлари бир вақтнинг ўзида тўрттадан ортмаган, бор-йўғи биттагина ка-

низак сақлар эди. Унинг мусулмонликка эътиқоди шунчалик кучли эдики, Л.П.Шарманинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиё ўлкаларига қилинган ҳарбий юришлар давомида бўлиб ўтган шиддатли жанглардан бирида, жанг кескин тусда давом этиб турган пайтда отдан тушиб пешин намозини ўқиган, сўнг яна жангга кириб кетган экан.

Аврангзеб⁴ Шоҳ Жаҳоннинг Мумтоз Маҳалдан туғилган тўрт ўғилнинг учинчиси бўлиб, у 1618 йилнинг 24 октябрида Ҳиндистоннинг Ужжайн вилоятидаги Доҳад шаҳрида отаси ҳарбий юришларда юрган пайтда дунёга келди. Болалигиданоқ араб, форс, туркий ва ҳинд тилларини яхши ўрганди. Араб алифбосининг настаълиқ ва шикаста усулларида моҳир хатотлар каби ёзар эди. Ёшлигиданоқ муқаддас Қуръони Карим оятларини мукаммал, уларни таҳлил қила оладиган даражада ўрганди.

У қурол ишлатиш ва жанг олиб бориш санъатини ҳам яхши эгаллаган бўлиб, ҳарбий юришларда катта муваффақиятларга эришди. Марказий Осиёга ва Кандаҳорга қилган юришларида, шунингдек, Гужарат ҳамда Деккон ўлкасининг тўртта вилоятида ҳокимлик қилиб турган пайтларида катта тажриба тўплаган бўлиб, бу тажрибалари тахтга даъвогарлик қилган ака-укаларига қарши олиб борилган шиддатли жангларда жуда қўл келди. 1658 йилнинг июн ойида тахтни қўлга киритиб, ўзини бобурийлар салтанатининг подшоҳи Абдул Музаффар Мухйиддин Муҳаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир Подшоҳи Фозий деб эълон қилди.

Аврангзеб тахтга чиққан

³ 1658 – 1707 йиллар.

⁴ *Маъноси: тахт беағи.*

кундан эътиборан ўз олдига мамлакатни одилона идора қилиш билан бир қаторда Ислом динини, айниқса, унинг сунний мазҳаби ақидаларини ҳимоя қилишни ва унинг таъсир доирасини янада кенгайтиришни энг асосий мақсад қилиб қўйган эди. Унинг ҳукмдорлик назариясининг асосий шиори “Дорул Ҳарб”⁵ бўлмиш Ҳиндистонни “Дорул Ислом”га⁶ айлантириш эди. Эллик йиллик ҳукмдорлик фаолияти давомида Аврангзеб ана шу ақидага содиқ қолди ва бу эътиқодидан бир дақиқа ҳам воз кечмади.

Зарб қилинадиган танга пулларга Қуръони Карим оятларини ўйиб ёзиш унинг даврида тақиқланди. Шундан сўнг раққосалар ва созандалар саройдан қувиб чиқарилди; мамлакат ҳудудида майпарастилик ва гиёҳвандлик ҳамда қимор ўйнаш қатъийан тақиқланди; эрсиз аёлларга эрга тегиш, акс ҳолда, мамлакат ҳудудидан чиқиб кетиш талаби қўйилди; ғайридинларнинг маросимларини саройда нишонлашга барҳам берилди. Шунингдек, аҳолининг шариат тақиқлаган ишлар билан шуғулланишларини назорат қиладиган махсус лавозим — муҳтасиб лавозими таъсис этилиб, бу мансаб эгасига чексиз ҳуқуқлар берилди. Масжид ва мадрасалар ва хонақоларни қайта таъмирлаш ва янгиларини қуришга фармон берилгани ҳолда ғайридинларнинг бутхоналари ва мактабларини таъмирлаш ва янгисини қуриш тақиқланди. Кўпгина бутхоналар ўрнига масжид ва мадрасалар қурилди. 1679 йилдан эътиборан номусулмон ҳиндлардан жизья солиғи ундириш ва уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилганликлари учун

⁵ Кофирлар мамлакатини.

⁶ Мусулмонлар мамлакатини.



қўшимча солиқ тўлаш тартиби жорий қилинди. Мусулмон савдогарлардан молининг беш фоизи миқдоридан мўл учун олинадиган солиғи бекор қилинган ҳолда ғайридин савдогарлар учун бу тартиб сақланиб қолди, солиқ йиғадиган идораларда номусулмонларнинг ишлашига чек қўйилди. 1688 йилдан эътиборан юқори мансабдаги ғайридинларнинг маҳобада (тахтиравонда) ва чиройли отларда сайр қилишлари ҳам чеклаб қўйилди. Бундай тadbирлардан қутилган асосий мақсад мамлакат миқёсида кўпчиликни ташкил этувчи маҳаллий ғайридин ҳиндларни мусулмон динини қабул қилишга ундаш эди. Ислом динига ўтишга чорлаш учун уларга турли имтиёзлар, лавозимлар, пул, ер-мулк ва бошқа маблағлар берилар эди.


Кўриниб турибдики, Аврангзеб беқиёс ҳокимиятга эга бўлган подшоҳлик ҳокимиятидан диний ташвиқот учун кенг фойдаланган. Давлатни бошқариш ишларини эса, ўзининг шариат ақидалари асосида тузилган “Фатовои Оламгири” асари асосида олиб борган, яъни, ҳокимиятни динга хизмат қилдирган эди.

Хўш, унинг бу сиёсати нималарга олиб келди ва қандай натижаларга эришилди? Бош-

қа динларга ва бу динлар вакилларига нисбатан олиб борилган баъзи қаттиққўл сиёсат натижасида мамлакатнинг асосий кўпчилик қисмини ташкил этувчи ғайридин ҳиндлар ва уларнинг турли мазҳаблари вакиллари подшоҳнинг итоатгүй фуқаросига эмас, балки ғазабнок рақибига айланиб қолди.


Аврангзеб Оламгир Подшоҳ 1707 йилнинг 3 мартда 90 ёшида бу бевафо ёруғ олам билан видолашди.

Тарихда ана шундай ном қолдирган буюк шахсларнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, айниқса, уларнинг эътиқоди ҳар бири-



миз учун сабоқ бўлади, деган умиддамиз. Уларни яхшилаб таҳлил қилиш ва тўғри хулосалар чиқариб олиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

БОШҚОТИРМА



Бўйига: 1. Оға-ини, дўст. 2. Олис, узоқ. 3. «Ёлгончиим эмас» (ҳадис). 4. Пайғамбар. 6. Ранг, кўриниш. 7. Бадиий асар тури. 8. Геометрик шакл. 9. Йиртқич ҳайвон. 10. Дунёдаги энг катта футбол ўйингоҳи. 12. Хўл мева. 13. Пайғамбар. 16. Ичимлик. 18. Сизги, туйғу. 20. Оврупадаги давлат. 21. Қитъа. 23. Қуръондаги сура. 24. Ироқ жанубидаги шаҳар. 28. «Бошини дорга тикувчилар». 30. Улуғ зот. 32. Денгиз ҳайвони. 33. Ёшлар жамҳармаси. 35. Буюк ҳадисшунос олим. 36. Ҳарбий бўлинма. 37. Дурадгорлик асбоби. 38. Мўғул босқинчиларига қаттиқ қаршилик кўрсатган тарихий шаҳар. 39. Финландиядаги энг йирик қўллардан бири. 40. Ҳадисга нисбатан «тўғри» деб берилган тасниф. 41. Туркменистон пул бирлиги. 44. Мева. 45. Чолғу асбоби.

Энига: 1. Аллоҳнинг уйи. 5. Юртдошимиз, буюк фақиҳ аллома. 11. Афсонавий қаҳрамон аёл. 14. Мунофиқ хиёнат қиладиган нарса. 15. Кунботар. 17. Тропик мева. 19. Гуноҳи азимлардан бири. 21. Энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалардан бири. 22. Амир Темур ва мўғул хони Илёсхўжа ўртасида бўлган жанг. 23. Ер ўлчови бирлиги. 25. Миллий валюта. 26. Канада пойтахти. 27. Афсона, қадимий ривоят. 29. Пайғамбар. 31. Андижон вилоятидаги шаҳар. 32. Ранг. 33. Лақаб. 34. Миллат. 36. Шимолий Африка давлатларидан бирининг пойтахти. 42. Қозоғистон пойтахти. 43. Япониядаги шаҳар. 44. Намоз ўқишдан олдин бажариладиган амал. 46. Қозоғистон жанубидаги шаҳар. 47. X – XI асрларда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган давлатлардан бири.

Муҳаммад Саид Ҳанбалий «Мустажоб дуолар» номли китобларида ёздилар: «Дуо раҳмат очқичидир. Амалларингизни дуо билан очинглар. Ким қийинчилик ва мусибат етганида дуоларини Аллоҳ ижобат этишини хоҳласа, хотиржамликда кўп дуо қилсин ва саловатлар айтсин. Бундай кишининг дунёвий ва ухровий ишларини Аллоҳ шубҳасиз таъмин этади.

ДУО РАҲМАТ ОЧҚИЧИДИР

Муқованинг 3-бетида берилган дуо ҳақида Усмон (р.а.) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай сўзларини келтирадилар: «Бу дуони ким кеч кирганида уч марта ўқиса, тонг отгунча тўсатдан етиши мумкин бўлган бало-офатдан омонда бўлади ва тонг оттирганида ушбу дуони уч марта ўқиса, то кечгача тўсатдан келадиган зарар-балолардан сақланади» (*Абу Довуд, Аҳмад, Термизий, Ҳоким, ибн Ҳиббон, ибн Можа ривоятлари*).

Саид Қаҳтоний «Дуо ва дам солиш» китобларида сеҳрга чалиниб қолишдан сақланиш учун ушбу дуони эрталаб, кечқурун ўқиб юришни тавсия этганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлайдилар: «Дуо инсон бошига тушган ва тушмаган ишларда манфаатлидир. Сизлар, эй Аллоҳнинг бандалари, дуога кўп машғул бўлинг!» (*Термизий ривояти*).

Бу мавзуда кўшимча маълумотларни «Хидоят» журнаlining 2000 йил 4-сонидagi «Дуо» мақоласидан олишингиз мумкин.

Журналимизда берилган бошқотирмаларнинг жавоблари

9 -10-сон

Бўйига: 1. Ҳадича. 2. Каримов. 4. Исрофил. 6. Олма. 7. Кубо. 10. Табук. 12. Манас. 13. Зомин. 14. Фоний. 16. Наса. 17. Тоҳа. 22. Раҳим. 23. Асака. 25. Аббос. 26. Фижор. 27. Ақл. 30. Кулол. 31. Асал. 32. Китоб. 33. Анвар. 34. Ирим. 35. Намоз. 37. Милодий. 39. Суматра. 43. Улоқ. 44. Отабек. 45. Араб.

Энига: 3. Жар. 5. Лацио. 7. Қисса. 8. Мис. 9. Нон. 11. Рамазон. 15. Азон. 17. Тико. 18. Ватан. 19. Мақол. 20. Али. 21. Каракас. 24. Насафий. 28. Саҳоба. 29. Бўржар. 30. Камалак. 33. Аспирин. 36. Изн. 37. Манат. 38. Ворис. 40. Одил. 41. Мусо. 42. Муборак. 46. Нок. 47. Газ. 48. Широқ. 49. Басра. 50. Шер.

11-12-сон

Бўйига: 1. Мис. 2. Умар. 3. Жон. 5. Ҳаё. 7. Аср. 8. Армуғон. 9. Аёл. 11. Сурма. 12. Илоҳо. 14. Шоҳ. 15. Рамазон. 20. Канизак. 21. Америка. 23. Амаки. 24. Тутун. 25. Ривож. 26. Қафас. 27. Қасам. 31. Нишолда. 34. Нонушта. 38. Арафа. 39. Агала. 42. Ақл. 44. Дор. 48. Аза. 50. Баҳо. 52. Исо. 53. Дон. 54. Нок.

Энига: 4. Эҳтиром. 6. Маҳорат. 9. Аёз. 10. Ясриб. 13. Арш. 16. Риё. 17. Ота. 18. Сардоба. 19. Сур. 22. Ғам. 24. Тароқ. 28. Мангу. 29. Арена. 30. Анча. 32. Тавоф. 33. Сано. 35. Кўзгу. 36. Аққа. 37. Нажас. 40. Шоҳ. 41. Хур. 43. Асалари. 45. Дўқ. 46. Онг. 47. Лаб. 49. Ҳабаш. 51. Сир. 55. Тароқ. 56. Ҳисобот.